2020 йил 25 январдан чиқа бошлаган

Миллий тикланишдан — миллий юксалиш сари

# ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Ижтимоий-сиёсий газета

№ 111 (1437), 2025 йил 3 июнь, сешанба

www.yuz.uz | yuz.uznews | yuz_official | yuz.uz_news

ЮРТИМИЗ БЎЙЛАБ




# ОППОҚ КЎКСИ ЭЗГУЛИККА ТЎЛГАН ЭЛ

1

*Бўлмади ҳеч ерда манзил-маконим,*
*Заҳру заққум бўлди ичган-еганим,*
*Айтсам-да, бўлмади менинг деганим,*
*Куйгандан жон қийналур халқ учун...*

Бердимурот Қарғабой ўғли — Бердақ бобонинг юрагидан сизиб чиққан бу оғриқли “оҳ”лар қалблардан қалбларга кўчиб, акс садо берганда ўзбеклар ва қорақалпоқларнинг кўнглидан нималар кечмаган дейсиз...

Бундан қарийб 200 йил бурун — 1827 йилда айнан Мўйноқда дунёга келган шоирнинг ушбу маҳзун сатрлари Президентимизнинг 2019 йил 20 августда қорақалпоқ заминида айтган мана бу сўзларини ёдимга туширди: *“Мен Сизлар билан учрашганда, Сизнинг қизғин қарсакларингизни соғиниб эмас, Сизларнинг кўзларингиздаги қувончни кўришга келдим. Сабаби, тарихдан яхши маълум, қорақалпоқ халқи ўтмишда ҳамма вақт қайғу-алам, оғир дард билан кун кечирган”*.

Давлатимиз раҳбари бу сўзларни бежиз айтмаган эди. Буни қорақалпоқ халқининг ўтмишини яхши билган, дарду ташвишларини дилдан ҳис қилган одам айтиши мумкин эди. Зеро, ҳар бир халқнинг узун тарихи, босиб ўтган йўли, бошдан кечирган иссиқ-совуқ кунлари бор. Тўфону бўронлар гирдобида тобланиб-чиниқмаган элат ҳам, миллат ҳам йўқ бу дунёи дунда. Аммо ҳеч ким қорақалпоқчалик аччиқ изғиринларга дуч келмаган, ҳеч ким қорақалпоқ каби кўз ёши тўкмаган бўлса керак.

Кечмиши милоддан аввалги асрларга бориб тақалувчи бу элат халқ бўлиб шаклланган бошлаб қайғули дамларга юзма-юз келаверди: зўравонлар қутқусига учради, бир манзилда қўним тополмади, кўча-кўч, қоча-қоч дейилмиш таҳликалар остида умргузаронлик қилишга мажбур бўлди. Орол бўйларида балиқчилик, чорвачилик билан тинчгина яшаб юрган, илк манбаларда “қора бўркли”, мўғуллар истилоси даврида “қавми кулоҳи сияҳ” деб аталган қорақалпоқларни Чингиз лашкари рус чўлларига ҳайдади.

“Қорақалпоқлар бир юртда юз йил макон қилмади, кўчиб юриб, кўпчилиги йўлда ўлди”, дея фарёд урди у қора кунларни эслаган шоир Бердақ бобо.

Бир муддат Киев Руси даштлари, Волга — Урал оралиқлари, кейин Иртиш соҳилларида омонат кун кечирган қорақалпоқлар Олтин Ўрда таркибида Нўғай хонлигини тузди. Аммо сал ўтмай, шимоллик ёғийлар тазйиқига учраб, Туркистонга ҳайдалди. Қозоқ хони Абулхайрхоннинг зўравонлигидан кейин Хива хонлиги таркибидаги оғир ҳаёт, Ерназар Олакўз, Айдос бий, Бегис ва Миржиқ каби ботирларнинг озодлик йўлида жон бергани — буларнинг ҳар бири азобли достон, қайғули бир китоб.

Кейин Сариқамиш, Ўзбўй, Сайхун бўйларида кун кечирган халқ ниҳоят Ер юзининг ярмини айланиб-айланиб, XVIII аср ўрталарида, не-не машаққатлар билан яна Жайхун соҳилларига қайтиб келди. Ота маконига келди. Бироқ кўч-кўчлар бўронида неча минглаб ўғил-қизидан эрта айрилган “қора бўркли”ларнинг манглайига осойишта дамлар ҳали ёзилмаган экан: яна қув-қувлар, ҳайда-ҳайдалар, урушлар, қон тўкишлар шўриш солди...

Гапирсанг тилинг, гапирмасанг дилинг куяди. Чор Россияси истилоси ва шўролар замонида гоҳ Россия, гоҳ Қозоғистон таркибига ўтказиб-қайтарилган “қавми кулоҳи сияҳ” ниҳоят Ўзбекистон билан бир давлат, бир мамлакат мақомига эга бўлгандан кейингина азалий орзулари — она заминида муқим яшаш бахтига мушарраф бўлди. Минг афсуски, бу бахт ҳам ҳали чала экан. Етмиш йиллик шўро тузуми бу элни нафақат ўзлигидан буткул айирди, балки очофат босқинчиларнинг пахтадан оқ, шолидан сариқ олтин олиш талвасаси, халқни бойитиш ҳақидаги чўпчакларга йўғрилган талончилиги халққа қўшиб Ер юзидаги йирик денгизлардан бири бўлган Оролнинг ҳам бошига етди. Унинг чекиниши, миллион тонналаб заҳарли, тузли чанг-тўзоннинг осмонга кўтарилиши она табиат кўксига болта урди, денгиз бўйларида умргузаронлик қилаётган элнинг генофондини оғулади.

Мазкур фожиа кўламини ҳис қилганлар “Тихий Чернобиль” — “Сокин Чернобиль”, дея оламга жар солди.

Бироқ тани бошқа — дард билмас. Ҳукмдорлар Оролни қутқариш, умрини денгиз билан боғлаган, денгизни Она деб улуғлаган заҳматкаш элга ғамхўрлик қилиш ўрнига уларни Узоқ Шарқнинг Уссурийск томонларига кўчирмоқ режасини тузди.

Давоми 3-бетда

Фахр ва ғурур

# БУЮК ЗИЁРАТ

Сирожиддин САЙЙИД,
Ўзбекистон халқ шоири

Аллоҳнинг уйи бу — мангу иморат,
Давом этар эди буюк зиёрат.

Энг қутлуғ намозлар шунда ўқилур,
Барча хомхаёллар ўзи йўқолур.

Каъба ҳам яралган буюк ижоддай,
Одам болалари сўнгги нажотдай —

Юзма-юз тургайдир Парвардигорга,
Ахир шунча дуо кетмас бекорга.

Буюк бир миллатнинг олампаноҳи,
Муфтий ҳазрат яна уч-тўрт ҳамроҳи,

Фарз юкин елкадан ошириб бўлгач,
Барча рукнларни бажариб бўлгач —

Олий марҳаматга ноил бўлдилар,
Худонинг уйига дохил бўлдилар.

Шу зайил бошланди буюк муножот,
Буюк ибодат бу, буюк мулоқот.

Бандалар гар ранжу риёзат тортгай,
Бунда бор дуолар ижобат топгай.

Ҳар кимга буюрмас масжид ул ҳаром,
Буюк шарафдир бу, буюк эҳтиром.

Байтуллоҳ илоҳий қадим сукунда,
Тўрттала томон ҳам қибладир бунда.

Муфтий ҳазратлари айтарди такбир,
Ҳамроҳлар қўшилиб такрорлар бир-бир.

Мамлакат сарвари, улуғ ҳукмдор,
Кўзлари жиққа ёш, такрор ва такрор,

Дуо қилар эди қайта-қайталаб,
Энг аввал Худодан илтижо айлаб,

Ота-онасига раҳм сўрарди,
Мағфират сўрарди, афв сўрарди.

Ўтиб кетган не-не улуғ зотлар ҳам
Меҳру карамингга муҳтождир, эгам.

Ҳукмдор йиғларди бирма-бир эслаб,
Ўтган устозларин афвини сўраб.

Муфтий ҳазрат яна бўлди бетоқат,
Аста сўрамоққа тополди журъат:

Каъба эшиклари бизга очиқдур,
Ўзингиз учун ҳам дуо вожибдур.

Яратгандан тиланг, сўранг инчунин —
Ўзингиз учун ҳам, ўзингиз учун.

Аммо олампаноҳ, фотиҳи даврон,
Аллоҳдан сўрарди ёлбориб, гирён:

Майли, садқа айлай борим-будимни,
Балоюю қазодан асра юртимни.

Кўрди қанча зулму қанча ёмонлик,
Халқимга бахт бергил, бергил омонлик.

Олам аҳли билан ошнолик бергил,
Энг аввал элимга рўшнолик бергил.

Ҳукмдор йиғларди, сўраб йиғларди,
Бу нотинч дунёга тинчлик тиларди.

Муфтий ҳазратлари айтиб истиғфор,
Яна ўтинчини айлади изҳор:

Мени афв этгайсиз, олампаноҳим,
Ўзингиз учун ҳам сўранг-да, шоҳим.

Зиёрат вақти ҳам қисқадир, илло,
Ўзингизга сўранг, валлоҳу билло.

Аммо давлатпаноҳ, зоти муҳтарам,
Дуо қилар эди шундоқ бокарам:

Юртимнинг жамийки фарзандларини,
Ўғил-қизларини, дилбандларини,

Ўзинг паноҳингда асрагил доим,
Бахту толеини бергил, Худойим.

Муфтий ҳазратлари лолу бетоқат,
Дарров ўтиб кетди ғанимат фурсат.

Қулоқларда янграр муборак калом,
Зиёрат тугади, ибодат — тамом.

Бу бир ривоятмас ва ё ҳикоят,
Саёҳат ҳам эмас ва ё сиёсат.

Янги замонларнинг қиссаси шулдир,
Алқисса, қиссанинг ҳиссаси шулдир:

Эй, кўҳна дунёга келтирган баҳор,
Бухорийни берган, эй қадим диёр.

Уфқларга қадар қирмиз изларинг,
Ҳамон ҳадис сўйлар Термизийларинг.

Минг бор садқа бўлсин жоним ва таним,
Шундай зотларингга, жоним Ватаним!

Ўзинг барчамизга шижоат бергил,
Олампаноҳ янглиғ матонат бергил.

Токи она юртим топсин оройиш,
Элатлар, миллатлар кўрсин осойиш.

Давру давронлари тоабад бўлсин,
Барча дуолари ижобат бўлсин.

Улуғ ниятларга қўшилиб мен ҳам,
Ёздим билганимни, валлоҳу аълам.




# ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ПРАГМАТИК ТАШАББУСЛАРИ МАРКАЗИЙ ОСИЁ ВА ИТАЛИЯ ЎРТАСИДАГИ КЎП ТОМОНЛАМА ШЕРИКЛИКНИ ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАШДА СТРАТЕГИК АҲАМИЯТГА ЭГА

## ХОРИЖИЙ ЭКСПЕРТЛАР ДАВЛАТИМИЗ РАҲБАРИНИНГ ОСТОНА САММИТИДАГИ ТАШАББУСЛАРИ ҲАҚИДА

**Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев 30 май куни Остона шаҳрида бўлиб ўтган “Марказий Осиё — Италия” саммитида иштирок этди.**

Ўзбекистон етакчиси мазкур саммитдаги нутқи аввалида ушбу тадбир жорий йил апрель ойида Самарқандда ўтган саммитда Марказий Осиё ва Европа ўртасида эришилган стратегик шериклик тўғрисидаги келишувларнинг узвий давоми эканини таъкидлади.

Шунингдек, Ўзбекистон раҳбари “Марказий Осиё — Италия” форматидаги ҳамкорликнинг устувор йўналишлари бўйича ўз қарашларини баён этди.

Қатор долзарб халқаро масалалар юзасидан ёндашувларни мувофиқлаштириш учун ташқи ишлар вазирликлари даражасида мунтазам мулоқотларни давом эттириш муҳимлиги таъкидланди. Шунингдек, терроризм, экстремизм, радикализм, гиёҳванд моддалар савдоси ва ноқонуний миграцияга қарши курашда кўп томонлама шериклик ва махсус хизматларнинг ахборот алмашиш механизмларини йўлга қўйиш таклиф этилди.

Таъкидлаш керакки, Ўзбекистон Президентининг “Марказий Осиё — Италия” саммитидаги нутқида илгари сурилган глобал ташаббусларга халқаро эксперт ва таҳлил доиралари вакиллари томонидан катта қизиқиш билдирилмоқда. Экспертлар Президент Шавкат Мирзиёевнинг Остона саммитидаги нутқида қайд этилган таклифлар нафақат Марказий Осиё мамлакатлари ва Италия учун, балки кенг маънода бутун Евроосиё макони учун ҳам муҳим геосиёсий ва геоиқтисодий аҳамиятга эга эканини таъкидламоқда.

Давоми 2-бетда

# БОЛАЖОНЛАРГА УНУТИЛМАС ТААССУРОТ УЛАШГАН БАЙРАМ ТАДБИРИ



2

# ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ПРАГМАТИК ТАШАББУСЛАРИ МАРКАЗИЙ ОСИЁ ВА ИТАЛИЯ ЎРТАСИДАГИ КЎП ТОМОНЛАМА ШЕРИКЛИКНИ ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАШДА СТРАТЕГИК АҲАМИЯТГА ЭГА

## ХОРИЖИЙ ЭКСПЕРТЛАР ДАВЛАТИМИЗ РАҲБАРИНИНГ ОСТОНА САММИТИДАГИ ТАШАББУСЛАРИ ҲАҚИДА



Бошланиши 1-бетда

**Усмон ШАВКАТ,**
**Равалпинди савдо-саноат палатаси раҳбари (Покистон):**



— Ўзбекистон Президентининг “Марказий Осиё — Италия” саммитидаги нутқида мамлакатнинг Европа давлатлари билан олиб борилаётган фаол ташқи сиёсатининг мантиқий давоми ҳисобланувчи ташаббуслар илгари сурилган.

Ўзбекистон раҳбари ўз нутқида қайд этган сиёсий, иқтисодий ва гуманитар ҳамкорлик йўналишлари кўп томонлама манфаатларга хизмат қилиши билан ажралиб туради. Бу эса нафақат Марказий Осиё мамлакатлари ва Италия учун, балки кенг маънода бутун Евроосиё макони, жумладан, Покистон учун ҳам муҳим геосиёсий ва геоиқтисодий аҳамиятга эга.

Ўзбекистон томонидан билдирилган хавфсизлик, терроризм, экстремизм, ноқонуний миграция ва наркотрафикка қарши курашишда италиялик шериклар билан ишчи механизмлар ва ахборот алмашинувини йўлга қўйиш таклифи минтақада барқарорликни таъминлаш нуқтаи назаридан ўта муҳим аҳамиятга эга. Бу масалалар Покистон хавфсизлиги учун ҳам жуда долзарб. Афғонистон муаммоси Яқин Шарқдаги мураккаб вазият контекстида бугунги кунда янада ўткирлашмоқда. Шу жиҳатдан “Марказий Осиё — Италия” форматидаги мулоқот Покистон учун ҳам алоҳида мазмун касб этади.

Бу борада “Марказий Осиё — Италия” формати Исломобод учун ҳам янги имкониятлар очмоқда. Ўзбекистон ва Италия ўртасидаги саноат кооперацияси, инвестициявий алоқалар ва “яшил” трансформация соҳасидаги ташаббуслар алоҳида эътиборга лойиқ. Бу йўналишда эришилаётган натижалар хорижий мамлакатлар учун иқтисодиётни диверсификация қилиш, саноатни модернизациялаш ва қайта тикланадиган энергия манбаларини жорий этиш борасида фойдали ва алоҳида тажриба мактабини ўтайди.

Ўзбекистон Президентининг “Марказий Осиё — Италия” ишбилармонлар клубини ташкил этиш, Марказий ва Жанубий Осиёнинг минтақавий ўзаро боғлиқлиги ташаббуси доирасида лойиҳаларни амалга ошириш учун қўшимча молиявий ресурсларни шакллантириш тўғрисидаги таклифи ҳудудлар ўртасидаги иқтисодий ҳамкорликни тизимли йўлга қўйишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Таълим, илм-фан ва маданият соҳаларидаги ҳамкорлик юзасидан билдирилган фикрлар ҳам эътиборга молик. Академик алмашинувлар ва илмий-таълим консорциуми тузиш ташаббуси минтақада инсон капиталини ривожлантириш, Европа илмий салоҳияти билан яқинроқ интеграциялашишда муҳим аҳамиятга эга. Шу билан бирга, ёшлар форуми ва креатив иқтисодиёт соҳасидаги маданий алмашинувлар “юмшоқ куч” сиёсатини кучайтириш, давлатлар ўртасида ўзаро тушуниш ва ишонч муҳитини яратишда муҳим восита вазифасини ўтайди.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистон Президентининг “Марказий Осиё — Италия” саммитидаги нутқи нафақат минтақавий, балки кенг халқаро ҳамкорлик истиқболларини қамраб олган. Ушбу формат салоҳиятидан тўғри фойдаланилса, Покистон учун ҳам сиёсий, иқтисодий ва маданий соҳаларда янги имкониятлар очилади.

**Юрий СИГОВ,**
**Россия давлат гуманитар университети халқаро муносабатлар кафедраси доценти:**



— Саммитда “яшил иқтисодиёт”, инвестициялар, инновациялар, фан ва таълим соҳаларида кўп томонлама ҳамкорликни янада ривожлантириш муҳокама қилингани асосий масала бўлди. Италия, гарчи сўнгги йилларда минтақа давлатлари учун иқтисодий ривожланиш соҳасидаги ҳамкорликнинг устувор йўналишлари қаторига киритилмаган бўлса-да, ҳозирда вазият сезиларли даражада ўзгара бошлади.

Янги технологиялар, энергетика соҳасида ўзаро ҳамкорлик масалалари, илмий ва таълим алмашинувлари, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш бўйича қўшма корхоналар ташкил этиш — буларнинг барчаси Марказий Осиё минтақаси мамлакатлари, айниқса, Ўзбекистон учун фойдали ҳисобланади.

Таъкидлаш керакки, айнан Италия Марказий Осиё давлатлари билан ташқи ишлар вазирликлари даражасида вазирлар учрашувларини бошлаб берди. Италиянинг юқори мартабали мулозимлари Тошкент ва Самарқандда тез-тез меҳмон бўлиб туради. Бундан ташқари, ўзаро товар айирбошлаш сезиларли даражада ўсди — ўтган йили бу кўрсаткич 470 миллион доллардан ошди.

Шунингдек, Ўзбекистон Президентининг 2023 йилда Римга ташрифи арафасида у ерда йирик бизнес-форум бўлиб ўтганини эслатиб ўтмоқчиман. Мазкур бизнес-форум илк бор икки мамлакат ишбилармонларига ўзлари учун муҳим бўлган масалаларни бевосита ҳал этиш, ишончли ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш имконини берди.

Бугунги кунда Ўзбекистонда Италия инвестицияси иштирокидаги 55 та қўшма корхона фаолият кўрсатмоқда ва ўйлайманки, Остонада бўлиб ўтган саммит мазкур форматдаги ҳамкорликни фаоллаштиришга хизмат қилади ҳамда итальян компаниялари учун манфаатли бўлади.



**Жианг ЛАН,**
**Хитойнинг “Бир макон, бир йўл” ташаббуси ҳузуридаги Гуанчжоу савдо институтининг Шарқий Европа ва Марказий Осиё тадқиқотлари институти раҳбари, “Central Asia Think Tank” компанияси раҳбари, профессор:**

— Ўзбекистон Президентининг Остона шаҳрида бўлиб ўтган “Марказий Осиё — Италия” саммитидаги нутқи халқаро ҳамжамият томонидан юқори баҳоланмоқда.

> **Мамлакатингиз раҳбарининг иқтисодий, экологик ва саноат бўйича ташаббусларни илгари суриши, глобал ва минтақавий хавфсизликни таъминлаш масалалари борасидаги мазмунли ва амалий таклифлари Марказий Осиё давлатларининг Италия билан ҳар томонлама ҳамкорлигини чуқурлаштиришда стратегик аҳамиятга эга.**

Ўзбекистон Президентининг минерал ресурслар ва қишлоқ хўжалиги хомашёсини чуқур қайта ишлаш, электротехника, кимё, тўқимачилик, чарм саноати учун замонавий ускуналар ишлаб чиқариш бўйича саноат кооперациясини чуқурлаштиришга қаратилган таклифларини алоҳида таъкидлаб ўтиш зарур.

Шу нуқтаи назардан, бутловчи қисмлар базаси ва саноат товарларини маҳаллийлаштириш, етакчи итальян брендлари иштирокида дизайн марказларини яратиш муҳимлиги қайд этилди.

Ўзбекистоннинг ушбу таклиф ва ташаббуслари самарали амалга оширилиши халқ, бизнес вакиллари, илмий жамоалар учун манфаатли бўлади ҳамда ҳудудлар ўртасидаги ўзаро ҳамкорликни мустаҳкамлайди.

**“Дунё” АА**

## Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда эмас

# БОЛАЖОНЛАРГА УНУТИЛМАС ТААССУРОТ УЛАШГАН БАЙРАМ ТАДБИРИ

**1 июнь — Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни Ўзбекистонда ҳар йили ўзгача руҳ ва кўтаринки кайфиятда нишонланади. Бунга Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси ҳам муносиб ҳисса қўшмоқда. Хусусан, федерация томонидан юртимизнинг турли ҳудудларида “Янги Ўзбекистоннинг бахтиёр болалари” шиори остида байрам тадбирлари ташкил этилиб, меҳрибонлик уйлари ва оилавий болалар уйлари тарбияланувчилари, махсус мактаб-интернатлар ўқувчилари, хизмат вазифасини бажариш вақтида ҳалок бўлган ҳарбийлар ва ички ишлар идоралари ходимлари фарзандлари, чин етим ва эҳтиёжманд оилалар ўғил-қизларининг кўнгиллари кўтариб келинмоқда.**



Шундай тадбирлардан бири пойтахтимиздаги Ўзбекистон касаба уюшмалари саройида ўтказилди. Федерация ва Миллий гвардия ҳамкорлигида ташкил этилган тантанали тадбирга Тошкент шаҳридаги 22- ва 30-меҳрибонлик уйлари ҳамда SOS — Ўзбекистон болалар маҳаллалари Тошкент филиалида тарбияланаётган болажонлар, Тошкент шаҳри, Тошкент ва Сирдарё вилоятларидаги оилавий болалар уйлари фарзандлари, жами 500 ўғил-қиз таклиф этилди.

Муҳташам саройда болажонлар ҳарбий оркестр ва миллий мусиқа жамоалари ижросидаги куйлар садоси остида байрамона кутиб олинди. Ёш авлод вакилларига пешвоз чиққан турли эртак қаҳрамонлари иштирокида ташкил этилган маданий тадбир эса болажонлар қувончига қувонч қўшди. Ўғил-қизлар турли ширинлик ва салқин ичимликлар билан меҳмон қилинди.

Шундан сўнг болажонлар учун Ўзбекистон касаба уюшмалари саройи ҳузуридаги “Қалдирғоч” болалар санъат маркази ўқувчилари иштирокида Алишер Навоийнинг “Лисон ут-тайр”, яъни “Қуш тили” достони асосида махсус саҳналаштирилган “Семурғ ҳақида афсона” мусиқали спектакли намойиш этилди.

Касаба уюшмалари саройи ижодкорлари саҳналаштирган мазкур спектакль орқали кўплаб тарбиявий ғоялар илгари сурилиб, ҳозирги кунда ёшлар тарбиясида долзарб аҳамиятга эга бўлган интилувчанлик ва қалб гўзаллиги, сахий ва меҳрибон бўлиш олий фазилатлар экани, эзгуликнинг ёвузлик устидан доимо ғалаба қозониши тараннум этилди.

Спектаклдан сўнг болажонлар Жамоат хавфсизлиги университетида бўлди. Ёш авлод вакиллари байрам дастурхонига таклиф этилиб, маданий тадбирда иштирок этди. Ушбу маскан бўйлаб ташкил этилган саёҳат давомида ўғил-қизларга Миллий гвардия фахрий қоровул қўшинлари, ҳарбий оркестр ва отлиқ аскарларнинг кўргазмали чиқишлари намойиш этилди. Буларнинг барчаси болажонларда катта таассурот қолдирди.

Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси томонидан барча ҳудудларда меҳнаткашлар фарзандлари, махсус мактаб-интернатлар, кам таъминланган, кўп болали ва боқувчисини йўқотган оилаларда тарбия топаётган ўғил-қизлар учун худди шу каби маданий-маърифий ва тантанали байрам тадбирлари ташкил этилиб, болажонларга совғалар топширилди.

**Муҳаббат ЎРМОНБЕКОВА,**
**Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси матбуот хизмати раҳбари**

## Ижтимоий ҳимоя

# МУАММОЛАР ЕЧИМИГА ЯНГИЧА ЁНДАШУВ

**Навоий шаҳрида яшовчи Феруза Муртазоева икки йилдан буён хасталик билан курашади. Ногиронлиги бўлган бу ёлғиз аёлни шу вақтга қадар ўн икки ёшли ўғли парваришлаб келади. Бу ҳолат фарзандининг таълим олишига ҳам салбий таъсир кўрсатар, бемор она эса ҳам хасталикдан, ҳам ўғлининг қийналаётганидан азият чекарди.**

Ушбу оилага “Инсон” ижтимоий хизматлар маркази томонидан ижтимоий ходим ассистенти бириктирилиши натижасида уларнинг мавжуд муаммолари бартараф этилди. Ўзгалар парваришига муҳтож беморга уйда тиббий-ижтимоий реабилитация хизматларини кўрсатиш йўлга қўйилди. Ижтимоий ходим ассистенти хизматига қўшимча равишда шифокор ва ҳамшираларнинг ҳам бириктирилиши натижасида қисқа вақт ичида ушбу эҳтиёжманд оиланинг аҳволи ўнгланди. Кўрсатилаётган тиббий хизматлар туфайли Феруза Муртазоевада функционал қайта тикланиш кузатилмоқда.

Айни вақтда Навоий вилоятида ижтимоий ҳимояга муҳтож фуқаролар билан тизимли ишлаш шу каби хайрли ишларга сабаб бўлмоқда. Конимех туманининг Шўртепа маҳалласида яшовчи Азиза Бекмуродова оиласи вакиллари ҳам ана шундай ўзгаришлар туфайли бугун оғир ижтимоий вазиятдан чиқди. Маҳаллада комплекс ижтимоий хизмат кўрсатувчи ходим томонидан оиланинг шароити ўрганилгандан сўнг Камбағаллик реестрига киритилди. Бириктирилган раҳбар билан биргаликда оилани камбағалликдан чиқариш бўйича тегишли тадбирлар кўрилди. Жараёнда оила аъзолари чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказилиб, “Саховат ва кўмак” жамғармаси ҳисобидан керакли дори-дармонлар билан таъминланди. Шунингдек, оила боқувчиси ишга жойлаштирилиб, фарзандлари имтиёз асосида мактабгача таълим ташкилотига жойлаштирилди. Бундан ташқари, катта фарзандининг олий таълимда ўқиши учун шартнома пулларининг 50 фоизи тўлаб берилди. Ҳозир оиланинг хонадони таъмирланиб, томорқасига иссиқхона қуриб берилиши натижасида яшаш шароити фаровонликка юз тутди.

Қизилтепалик Лобар Ризаева 2021 йилда кучли стресс ва ҳаётий қийинчиликлар сабабли соғлиғи ёмонлашиб, фаол ҳаётдан узоқлашган эди. Тақдир синовларига таслим бўлган, тушкунликка тушган фуқарога “Инсон” ижтимоий хизматлар маркази ёрдамга келди. Унинг оиласи комплекс баҳоланиб, хизматлар режаси белгиланди. Хусусан, фуқаро реестрга киритилиб, ижтимоий ходим ассистенти бириктирилди. Натижада онасини парваришлаб келган фарзандлари таълимга ва тўгаракларга жалб қилинди. Республика ва вилоят ногиронлиги бўлган шахсларни реабилитация қилиш ва протезлаш марказига йўлланма берилди. “Саховат ва кўмак” жамғармасидан моддий ёрдам ажратилди. Шунингдек, Лобар Ризаева



тикувчилик касбига ўргатилиб, тикув машинаси олиб берилди.

— Ҳозир аҳволимиз, яшаш шароитимиз ижобий томонга ўзгарди, — дейди Лобар. — Беморлигим сабабли бирор ишга ярамай қолгандим. Ҳаётдан ҳам умидимни узганимда ижтимоий ходим келиб, оиламизни рўйхатга олиб кетганди. Қисқа вақт ичида ҳар томонлама кўмак берилди. Ижтимоий ходим ассистенти бириктирилгандан кейин фарзандларимга ҳам таълим олишга кўпроқ вақт ажратиш имконияти пайдо бўлди. Малакали шифокорлар тиббий кўрикдан ўтказиб, зарур муолажалар белгилангач, аҳволим яхши томонга ўзгарди. Мустақил ҳаракат қила бошладим ва “Инсон” ижтимоий хизматлар маркази масъуллари кўмаги билан тикувчиликка ўқиб, айни вақтда шу касбим ортидан даромад топмоқдаман. Эътибордан четда эмаслигимиз туфайли яна ҳаётга қайтдим.

Айни вақтда Навоий вилоятида тажриба-синов тариқасида Кексалар реестрида турувчи шахсларга уйда тиббий-ижтимоий реабилитация хизматларини кўрсатиш йўлга қўйилди. Ушбу жараёнда вилоятдаги Ногиронлиги бўлган шахсларни реабилитация қилиш ва протезлаш маркази томонидан Навоий шаҳрида яшовчи, ўз-ўзига хизмат кўрсатиш даражаси Бартел ва Лаутон шкалалари бўйича 0 баллдан 62 баллгача баҳоланган 5 фуқарога ушбу хизматлар кўрсатилмоқда. Тажрибада ижтимоий ходим ассистентлари хизматига қўшимча равишда шифокор ва ҳамширалар томонидан кўрсатилган тиббий-ижтимоий реабилитация хизматлари қисқа вақт ичида самарасини кўрсатди. Яъни тиббий-ижтимоий реабилитация хизматларидан фойдаланган ушбу беш шахсда сезиларли ўзгаришлар кузатилди. Ҳаракатланиш, овқатланиш, ювиниш ва кийиниш каби зарур индивидуал вазифаларни бажаришда уларнинг мустақиллик даражаси ортди, йўқотилган функционаллик қайта тикланишига эришилди.

Мисол учун, ногиронлиги бўлган ва ёлғиз яшайдиган Одил Зоиров елка-тирсак ва тизза бўғимлари контрактурасига қарши енгил уқалаш ва букиб-ёзувчи машқлар, вибромассаж, қўл ва оёқлар учун енгил гимнастика машғулотлари ва юриш мосламаси ёрдамида қадам ташлашни ўргатиш каби кўрсатилган тиббий-ижтимоий реабилитация хизматлари натижасида бугунги кунда ўзгалар кўмагида юришга ва ўтиришга ҳаракат қилмоқда. Шунингдек, унда мустақил овқатлана олиш кўникмаси шакллантирилмоқда. Бу эса тажриба-синов тариқасида олиб борилаётган тиббий-ижтимоий реабилитация хизматлари яхши натижа бераётганидан далолат.

— Ҳудудларда ижтимоий ходимлар иш бошлаганига кўп бўлмаган эса-да, ижтимоий хизматлар маҳалла даражасигача туширилиши натижасида ўтган йили соҳага оид 55 мингга яқин мурожаат келиб тушган, — дейди Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги Навоий вилояти бошқармаси ахборот хизмати раҳбари Темур Бойбеков. — Ушбу мурожаатлар асосида ўтган йили 23,4 мингдан ортиқ шахсга 103 турдаги ижтимоий хизматлар кўрсатилди ҳамда уларнинг 6 мингдан ортиғига кейслар очилди. Натижада ижтимоий ёрдам бўйича мурожаатлар сони 2023 йилдагидан 2 мингга қисқарган. Шунингдек, маҳаллаларда комплекс ижтимоий хизмат кўрсатувчи ходимлар томонидан уйида ётган муҳтож 3,7 минг шахс аниқлаб, зарур ёрдамлар кўрсатилган. Хусусан, 1,4 минг шахсга ногиронлик гуруҳлари белгиланди, 1,7 минг нафари протез-ортопедия маҳсулотлари ва реабилитация техник воситалари билан таъминланди, ногиронлиги бўлган 498 бола таълимга йўналтирилди, 165 киши ёлғиз кексалар реестрига киритилди.



Жорий йилда вилоятда ногиронлиги бўлган шахсларни реабилитация қилиш қамрови ва унинг самарадорлигини кенгайтириш мақсадида вилоят Ногиронлиги бўлган шахсларни реабилитация қилиш ва протезлаш марказида 20 ўринли янги болалар амбулатор реабилитация маркази ишга туширилади. Марказда йилига 500 бола сифатли реабилитация қилинади. Бунинг натижасида вилоятда ногиронлиги бўлган фуқароларнинг реабилитация билан қамрови 3 мингдан 3,5 мингтага етказилиши кўзда тутилган.

Албатта, ҳар бир инсон қалбида келажакка умид, эзгу ишларни бошидан тутиб, уни бажара олишига юксак ишонч бўлса, у ўз мақсадига эришади. Зеро, инсон қадри улуғланган юртимизда ногиронлиги бўлган, ижтимоий ҳимояга муҳтож фуқаролар манфаатлари доимо эътиборда экани юқоридаги хайрли ишларда ҳам яққол намоён бўлмоқда.

**Ғолиб АБДУСАЛОМОВ,**
**“Янги Ўзбекистон” мухбири**

**Давлат раҳбарининг меҳру муҳаббати, ватанпарварлиги, элсеварлиги минглаб қалбларда эгаменлик туйғусини оловлантирди, билакларга куч, юракларга алпона қудрат бағишлади. Халқ бирлашди — куч бўлди, ирмоқлар туташди — дарё бўлди. “Тиришқоқнинг чегаси тошга чега қоқади” деган шарқона ҳикмат нақадар ҳақиқат экани ҳаял ўтмай ўз натижасини кўрсатди — ишонч билан экилган ниҳоллар дастурхонларни ширин-ширин мевалар билан тўлдирди.**






# ОППОҚ КЎКСИ ЭЗГУЛИККА ТЎЛГАН ЭЛ



**Абдусаид КЎЧИМОВ,
Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси**

**Бошланиши 1-бетда**

Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ шоири Ибройим Юсупов:

***Хавотир бор, қорақалпоқлар,***
***Кўп узамай кўчар...***

деган сўзлар билан бошланувчи шеърида қондошларининг синовларга тўла беором ўтмишига мана энди Орол дарди ҳам қўшилгани, Ўзбекистон ҳудудининг 40 фоизини ташкил қиладиган ҳудуд, унинг ҳаёт манбаи бўлган денгиз, меҳнаткаш одамлар ҳаёти буткул хавф остида қолганини алам билан фарёд уриб ёзди.

Денгиз ўрнида пайдо бўлган саҳродан кўтарилаётган тўзон Антарктида соҳиллари, Гренландия музликлари, Норвегия ўрмонлари, Япония боғларигача етиб борган ва Орол фожиаси дунё фожиасига айланаётган азобли кунларда собиқ иттифоқ корчалонлари қорақалпоқларнинг дардига малҳам бўлиш ўрнига, юқорида таъкидлаганимиздек, уларни ўз уйидан мосуво қилиш йўлларини излади. Бутун бошли элнинг келажаги шу тарзда вақт ҳукмига ташлаб қўйилди.

## 2

Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан кейингина минг йиллик ҳақиқат асл ўзанига қайтди. Қорақалпоқ эли ўз заминига, бобомерос қўрғонига эга бўлди. Қорақалпоқ дарди Ўзбекистон дардига айланди, бутун Ўзбекистон халқи бир бўлиб қондошлари — жондошлари дардига шифо излади.

Шавкат Мирзиёев ҳали Президентликка номзод пайтидаёқ биринчи сайловолди учрашувини айнан шу заминдан бошлади. Халқ билан учрашди, юзма-юз гаплашди, қалбига, дардига, орзу-армонларига қулоқ тутди. Аслида, ҳудуднинг мушкул аҳволи беш қўлдек аён эди унга. Бош вазирлик чоғларида овулма-овул юрган Шавкат Мирзиёев номзодлик учрашувининг ўзидаёқ ўша йиллари ҳудуд учун энг оғриқли бўлган ичимлик сув таъминотини яхшилаш, кўмир таннархини пасайтириш, аҳолининг электр энергиясидан фойдаланишини яхшилаш, мактабгача таълим ташкилотларини модернизациялаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, пенсионерларга хизмат кўрсатишни кучайтириш каби 11 та устувор вазифага эътибор қаратди. Шу кундан эътиборан қорақалпоқ диёрида бошланган ислоҳотларнинг барчаси доимий назоратга олинди.



Давлат раҳбарининг меҳру муҳаббати, ватанпарварлиги, элсеварлиги минглаб қалбларда эгаменлик туйғусини оловлантирди, билакларга куч, юракларга алпона қудрат бағишлади. Халқ бирлашди — куч бўлди, ирмоқлар туташди — дарё бўлди. “Тиришқоқнинг чегаси тошга чега қоқади” деган шарқона ҳикмат нақадар ҳақиқат экани ҳаял ўтмай ўз натижасини кўрсатди — ишонч билан экилган ниҳоллар дастурхонларни ширин-ширин мевалар билан тўлдирди. Муаммолар бирин-кетин барҳам топиб, овулларга чирой, кўчаларга баҳорий насим кирди. Омборларда дон, дастурхонларда нон кўпайди. Иқтисодиёт ўсди, саноат, қурилиш, ахборот-коммуникация технологиялари, бизнес ва хусусий тадбиркорлик, сайёҳлик соҳалари қанот ёзди. Катта йўлга тушган катта карвон қўнғироқлари беадоқ саҳрою чўлларни, дашту далаларни ҳаёт қўшиғига тўлдирди.

Шу даврда, яъни сўнгги 7-8 йилда Президентимизнинг қорақалпоқ ўлкасини юксалтиришга доир 14 та фармони ва қарори, ҳукуматнинг 25 та қарор ва фармойиши қабул қилинди. Бу тарихий ҳужжатлар ўлка аҳолисининг турмуш тарзини яхшилаш, яшаши учун қулай шарт-шароит яратиш, иқтисодиётни мустаҳкамлаш, даромадни ошириш, қишлоқ хўжалиги, таълим, тиббиёт, спорт, маданият соҳаларини ривожлантириш учун мустаҳкам замин яратди.

## 3

Илгари саноат маҳсулотлари деярли ишлаб чиқарилмаган ўлкада металлургия комбинати, нефть-кимё заводи комплекслари пайдо бўлди, қурилиш материаллари, энергия ресурслари ва бошқа корхоналар бирин-кетин ишга туширилди. Саноат кириб келиши туфайли авваллари кўрсаткичи энг паст бўлган 6 та туманда ишлаб чиқариш ҳажми 2-3 баробар кўпайди. Кегейли шундай туманларнинг карвонбошиси эди. Илгари умуман саноат бўлмаган бу туманда астойдил саъй-ҳаракатлар ва ҳудудлараро ҳамкорлик натижасида учта йирик лойиҳа ўзлаштирилди. “Ақтуба текстиль” шуларнинг бири эди. Йилига уч миллион донадан зиёд трикотаж маҳсулоти ишлаб чиқариш қувватига эга корхона ишчилари энди 6 миллион долларлик товар экспорт қилиш мақсадида енг шимариб ишга киришиб кетди. Корхона жиҳозларининг ҳаммаси Германия, Япония, Туркия каби давлатлардан олиб келиб ўрнатилган.

Яна бир ибратли жиҳат шуки, корхонанинг ўзида ёшларни касб-ҳунарга қайта тайёрловчи ўқув маркази очилди. Унда овуллардаги касбга қизиқувчи ишсиз йигит-қизлар малака оширди, касб-ҳунар эгаллади.

Албатта, ютуқлар қувонарли эди. Аммо Президентимиз улардан қаноатланмади, қорақалпоқ халқининг дастурхони янаям тўкин бўлишига асос бўладиган янги ташаббуслар излади. Шу тариқа Қорақалпоғистондаги 450 дан зиёд маҳалланинг ҳар бирига тўғридан тўғри 500 миллион сўмдан қўшимча маблағ ажратилди.

Бир маҳаллага — 500 миллион сўм! Биргина шу рақамни таҳлил қилган киши бу пул тўғри ва манзилли сарфланса, қанчадан қанча ночор оила оғир аҳволдан чиқиш, қанча ишсиз ишли, қанча рўзғор эса кичик-кичик тадбиркорлик билан шуғулланиш имконига эга бўлишини англаб етади. 450 дан зиёд маҳалланинг ҳар бирида, борингки, ўнтадан одам ишли бўлганда ҳам неча минг кишининг қозони қайнайди.

Президент яна бир ташаббус — кадастрсиз уйларни ҳужжатлаштириш масаласини тилга олганида кўпчилик жойидан туриб кетди. Қарангки, Қорақалпоғистонда 38 мингта уй-жой ва кўчмас мулк кадастр қилинмаган экан. Давлатимиз раҳбари соҳа мутасаддиларига бу масалани тезкор бажариш вазифасини топширди.

Умуман, уй-жой муаммоси Қорақалпоғистон учун ҳам ўта муҳим. Ўша йилнинг ўзида 4000 та уй-жой қурилиши ва унга қўшимча замонавий лойиҳа асосида яна 4000 та якка тартибдаги уй-жой қуришга 4 сотихдан ер ажратилиши аҳолига ўзгача қувонч ва кайфият бағишлади.

Ишлар кўлами нақадар кенг бўлишига қарамай, Президентимизнинг кўнгли тўлмасди. 2018 йил аввалида давлатимиз раҳбари яна қорақалпоқ замини томон йўлга отланди. Бердақ бобонинг киндик қони томган макон — Мўйноққа борди. Ўша пайтларда Мўйноқдан худди Орол каби фақат ном қолганди: файз кетган, корхоналар тўхтаган, инфраструктура издан чиққан, ишсизлик ва эртанги кунга умидсизлик ҳамманинг силласини қуритган...

Президентимиз мўйноқлик ёшуллилар, маҳалла раислари, ёшлар билан учрашиб, маслаҳатлашди. Орол денгизининг қуриган жойига бориб, вазиятни яна бир карра кўрди, таҳлил қилди.

Бир пайтлар минглаб одам фаровон ҳаёт кечирган, тонналаб балиқ овланган, денгиз ва унга туташ яйловларда қўй-қўзилар ўтлаб юрган, қушлар сайроғи, ёш-ялангнинг куй-қўшиғи янграб турган манзилнинг бундай абгор аҳволини кўриш, келажагини тасаввур қилиш ниҳоятда оғир ва аламли эди.

Давлатимиз раҳбари ҳолатни теран баҳолар экан, бу даҳшатли муаммони оқилона ҳал қилиш йўллари ҳақида чуқур ўйлади. Албатта, шу пайтгача ҳам мазкур фожиани тузатишга оид халқаро режалар, илмий стратегиялар, турли-туман жамғармалар бор эди. Оролни қутқариш ташкилотларининг фаолияти тўхтаган эмас, фақат натижадан дарак йўқ эди, холос. Президентимиз янги стратегия таклиф қилди: Оролнинг қуриб қолган қисмига ўсимликлар экиб, тузли, заҳарли тўзонни тўхтатиш, унинг ўрнига “яшил иқтисодиёт”ни жорий этиш керак. Давлатимиз раҳбари бундан бошқа чора йўқлигини ҳар томонлама илмий асослаб берди. Жаҳон ҳамжамияти бу фикрни инсоният тарихидаги донишмандликнинг яна бир ютуғи сифатида баҳолади.










УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ҲАМ ЎҚИШ УЧУН QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!

Орол бўйини одамларга ризқ улашадиган, иш ва даромад манбаи бўлган маконга айлантириш ишлари шу тарзда янгидан бошланиб кетди. Бутун Ўзбекистон оёққа қалқди, бутун Ўзбекистон Орол бўйини обод қилишга астойдил бел боғлади. Қорақалпоғистоннинг барча туман ва шаҳри муайян вилоятларга бириктирилди. Аввало, атрофни, ҳавони тозалаш, денгизнинг қуриган тубидан кўтарилаётган миллионлаб тонна чанг ва заҳарли тузни камайтириш керак эди. Шу мақсадда шўрга чидамли ўсимликлар экишга киришилди. Эл бирикса, тоғни толқон, чўлни бўстон қилади. Орол соҳилларида ҳаёт қайнади, минглаб одам бел, кетмон кўтарди, юзлаб трактор гуриллаб ер ҳайдади, самолётлар осмондан уруғ сепди. Аввалги 40 йилда Оролнинг қуриган тубидаги бор-йўғи 400 минг гектар ерга саксовул экилган бўлса, ана-мана дегунча денгизнинг сув қуриган 2 миллион гектардан ортиқ қисмига саксовул, қорабўроқ, қандим, черкез каби чўл ўсимликлари экилиб, тўқайлар барпо этилди.

Президентимиз бу орада БМТ Бош Ассамблеяси сессияларида сўзга чиқди, халқаро саммитларда муҳим таклифларни илгари сурди. Дунё аҳли эътиборини яна ва яна Орол фожиаси ҳамда бу фожианинг олдини олишга қаратди. Шу тарзда Орол муаммосига қарши курашда барча давлат бирлигини ташкил қилувчи Траст фондига асос солинди.

БМТ эса “Оролбўйи минтақасини экологик инновациялар ва технологиялар ҳудуди деб эълон қилиш тўғрисида”ги резолюцияни қабул қилди. Минтақада ҳаётни маромига келтириш — саломатликни тиклаш, туз ва қум кўчишининг олдини олиш, яшил ҳудудлар яратиш мақсадида 14 миллион доллардан ортиқ маблағ ажратилди.

Орол бўйининг флораси ва фаунасини яхшилаш бўйича миллий дастур ишлаб чиқилиши ҳам Президентимиз ташаббуси эди.

Халқнинг йўқолиб бораётган умиди тикланди.

Давлатимиз раҳбарининг “Маданият Мўйноқдан бошланади!” деган сўзлари Устюрт кенгликлари, саҳрою овуллар оша бутун Ўзбекистон бўйлаб янграти ҳамда Сурхондарёю Самарқанд, Бухорою Фарғона, Сирдарёю Тошкент — ҳамма-ҳамма жойда бирдек акс садо берди. Бухоро вилояти тадбиркорлари Хўжайли, хоразмликлар Шуманай, самарқандликлар Нукус, сирдарёликлар Қонликўл туманларида боғ, узумзор, ихчам иссиқхоналар барпо этди. Қолган туманларда ундан-да салмоқли лойиҳалар бажарилди. Жумладан, қорамол, қўй ва эчки кўпайтириш, паррандачилик, қуёнчилик ва асаларичиликни ривожлантириш изга тушди. Бунинг учун хонадонларга қўй-эчкилар, қуён ва асаларилар тарқатилди. Юз минглаб гектар майдонда “яшил қоплама” барпо этилди. Умуман, вилоятлар томонидан ҳудудда умумий қиймати 524 миллион долларлик 318 та янги инвестиция лойиҳаси ишлаб чиқилди. Шу тариқа ҳам юрт обод бўлди, ҳам 20 мингдан зиёд янги иш ўрни очилди.

## 4

2022 йил 23 февраль. Шу куни Тошкентдан кўтарилган биринчи рақамли борт, яъни Президентимиз учган самолёт Нукусдан нақ 200 километр олисдаги Мўйноқ аэропортига келиб қўнди. Аэропорт тугул ёлғизоёқ йўллари ҳам қумга кўмилиб, йўқ бўлиб кетган жойлар чинакам байрам шукуҳига тўлди. “Мен биринчи келганимда “Маданият Мўйноқдан бошланади”, дегандим. Шундай бўляпти. Мана шу аэропорт ҳам бунга бир мисол. Энди Тошкент — Мўйноқ — Нукус авиақатнови йўлга қўйилади”, дея мўйноқликлар қалбига қайноқ руҳ бағишлади давлатимиз раҳбари. Нафақат маданият, балки янги Қорақалпоғистон ҳам айнан Мўйноқдан бошланмоқда, дея Президентимизнинг сўзларини қувватлади қорақалпоқлар.

Атоқли оқин Ибройим Юсупов жондошлари шодлигига шерик бўлди: “Дунёда 30-40 миллионлаб нуфуси бор миллатлар, элатлар мавжуд. Уларнинг на давлати бор, на эрки бор, на боши узра ҳилпираб турган байроғи бор. Қорақалпоқ шу маънода бахти чопган халқ. Атиги 2 миллионга яқин аҳолиси бор, лекин эрки бор, ўз туғи, мадҳияси бор”, дея кўксини ғоз тутиб ўланлар айтди.

Бугун Қорақалпоқ диёрида 2 миллион 300 мингга яқин одам умргузаронлик қилмоқда. Энг муҳими, аҳолининг асосий қисми доимий иш билан банд. Ишсизлик даражаси 5,8 фоиз атрофида.

Мамлакат кундан кунга ўсиб, ривожланиб боряпти. Биргина ўтган йилнинг ўзида инвестиция дастури доирасидаги 252 та объектда 886 миллиард сўмлик қурилиш-таъмирлаш ишлари бажарилди. 118 та янги объект фойдаланишга топширилди. Буларнинг 37 таси мактаб, 23 таси боғча, 6 таси соғлиқни сақлаш, 5 таси спорт, 2 таси маданият, 17 таси ичимлик сув, 23 таси ирригация ва мелиорация, 23 таси автомобиль йўллари, 15 таси бошқа соҳа объектларидир.

## 5

Кўзланган марралар, режалар эса янада улкан. Келгуси беш йилда 200 минг гектар яйловни қайта тиклаш ва ҳосилдорликни ошириш чоралари кўрилади, чорвачиликни ривожлантириш жамғармаси ташкил этилиб, 5 фоизли кредит ажратиш тизими йўлга қўйилади. Ҳар бир туманда 200 минг бошли паррандачилик ва 100 гектардан балиқчилик хўжаликлари ташкил этилади. Шу тариқа гўшт, сут, тухум ва балиқ етиштириш ҳажми 2 баробар кўпаяди.

Шунингдек, камида 760 минг гектар ер қайта фойдаланишга киритилиб, Амударё, Беруний, Тўрткўл, Хўжайли, Элликқалъа ва Нукус туманларида қўшимча интенсив боғ ва токзорлар барпо этилади. Аҳоли томорқаларида сув таъминотини яхшилаш орқали 12 минг фуқаронинг бандлиги масаласи ижобий ечим топади.

Таълим-тарбияга алоҳида эътибор берилиб, болаларнинг мактабгача таълим билан қамрови 71 фоиздан 87 фоизга етказилади. Янгидан 40 та давлат ва хусусий, 525 та оилавий боғча очилади, 73 та давлат боғчаси реконструкция қилинади ва яна 40 минг боланинг боғчага бориш имконияти яратилади.

Шу ўринда Ўзбекистонда бошланғич синф ўқувчиларини бепул овқат билан таъминлаш тизими айнан Қорақалпоғистон мактабларидан бошланганини таъкидлаш лозим. Бу ерда 2022/2023 ўқув йилидан бошлаб бошланғич синф ўқувчиларига бепул тушлик берилияпти. Бунинг учун ҳар йили давлат бюджетидан 100 миллиард сўм ажратилади.

Энди мана бу рақамларга эътибор қаратинг: 2017-2024 йилларда “Бир қадам” тамойили асосида ҳудудда 74 та оилавий шифокорлик пункти, 81 та оилавий поликлиника, 92 та МТП ташкил этилди. Ихтисослаштирилган марказларнинг ҳудудий филиалларида 150 турдаги янги технология ишга туширилди. Йилига 4500 бемор узоқ йўл юриб Тошкент ёки хорижда эмас, Қорақалпоғистоннинг ўзида юқори технологик ёрдам олиши мумкин.

Бундан ташқари, 2022-2026 йилларда ўлкани ривожлантириш учун 43 триллион сўм ажратилади. Жумладан, бюджетдан 10 триллион сўм, халқаро молия ташкилотларидан 19 триллион сўм, банк кредити ҳисобидан 14 триллион сўм. Натижада ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми ва саноат маҳсулотлари 1,5 баробар, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш 1,2 баробар, хизмат кўрсатиш ҳажми 2,9 баробар, қурилиш ишлари ҳажми 1,4 баробар ошади.

Неча минг йиллик тарихга эга Қорақалпоқ ҳудуди сайёҳликни ривожлантириш учун нақадар кенг имкониятга эга эканини айтишга эҳтиёж бўлмаса керак. Ҳудудда 94 та маданий мерос, 35 та зиёратгоҳ, 12 та музей, 24 та театр мавжуд.

2024 йилда бу заминга хорижлик 200 минг 700 ва маҳаллий 2 миллион 240 минг сайёҳ келди. Сайёҳлик хизматлари экспорти қиймати 30,83 миллион АҚШ долларини ташкил этди.

Жорий йилда сайёҳлар сонини 3 миллионга етказиш, сайёҳлик хизматлари экспорти қийматини 50 миллион АҚШ долларига олиб чиқиш режалаштирилган.

## 6

Ҳақли савол туғилади: Қорақалпоғистон атиги 7-8 йилда қандай қилиб 70-80 йиллик ютуқларга эришди? Жавоб битта: адолатли ва узоқни кўзлаб юритилаётган оқилона сиёсат туфайли! Ўлкадаги барча ислоҳот, ҳеч шубҳасиз, давлатимиз раҳбарининг халқига, она ватанига чексиз меҳр-муҳаббати туфайли амалга ошмоқда. Зеро, Шавкат Мирзиёев иқтидорга келгач, қорақалпоқ диёрига 8 йилда 20 марта ташриф буюрди.

Ташрифларнинг ҳар бирида ўнлаб, юзлаб янги булоқ кўз очди. Ҳар бир ташрифдан сўнг салмоқли “йўл хариталари” тасдиқланди, вазифалар белгиланди, ижролар таъминланди.

Келинг, шу ўринда яқин ўртада амалга ошириладиган лойиҳаларнинг баъзиларига яна бир бор назар ташлайлик.

Яқин беш йилда аҳолининг ичимлик сув билан таъминланганлик даражаси 68 фоиздан 89,7 фоизга кўтарилади. Бунинг учун 3,2 минг километрлик ичимлик сув тармоқлари, 177 та сув иншооти қурилади ва таъмирланади. 250 та маҳалладаги 300 мингта хонадон аҳли тоза ичимлик сувдан баҳраманд бўлади. Олис ҳудудлардаги овуллар, боғча, мактаб ва шифохоналарга шўр сувни тоза ичимлик сувга айлантириб берадиган мингта ускуна ўрнатилади. Осиё тараққиёт банки маблағи ҳисобидан шу йил охиригача 1279 километрлик ичимлик сув тармоқлари тортилади ҳамда 27 та сув иншооти қурилади.

Нукус шаҳри, Тахиатош ва Қўнғирот туманларида иссиқлик таъминоти тизимини модернизация қилиш учун 350 миллиард сўмлик лойиҳалар амалга оширилиб, мингдан ортиқ кўп қаватли уй марказлашган ва индивидуал иссиқлик таъминотига уланади.

Яна 4974 километр электр тармоғи янгидан тортилади ва реконструкция қилинади, 1,4 мингтага яқин трансформатор ва нимстанция янгиланади. 557 километрлик газ тармоқлари созланади.

Аҳолини арзон уй-жой билан таъминлаш учун 20,3 минг квартирали 709 та кўп қаватли (олдинги йилларга нисбатан қарийб 2 баробар кўп), ипотека кредити ҳисобидан 2,5 мингта якка тартибдаги уй қурилади. Ўтган йилнинг ўзида 2734 хонадонли 71 та уй фойдаланишга топширилди.

Шунингдек, Осиё тараққиёт банки иштирокидаги “Ғузор — Бухоро — Нукус — Бейнау” автомобиль йўлининг 232 километрлик қисми цемент-бетон қопламаси билан реконструкция қилинди.

Оролнинг қуриган ҳудудида яна 1 миллион гектар ўрмон ва бутазор барпо этилади. Нукус шаҳри атрофидаги “яшил белбоғ” майдони 200 гектарга кенгайтирилади. Шаҳар ва туманлар марказида жами 362 гектар, Нукус шаҳри ва туман марказларида 70 гектар жамоат парклари, яшил майдонлар ташкил этилади.

Тадбиркорликни ривожлантириш орқали 100 мингта янги иш ўрни очилиб, 2022-2026 йилларда 60 триллион сўмлик (олдинги йилларга нисбатан қарийб 5 баробар кўп) жами 2352 та инвестиция лойиҳаси амалга оширилади. 45 та кичик саноат зонаси ташкил этилиб, қиймати 3 триллион сўмдан зиёд лойиҳалар рўёбга чиқиши натижасида қарийб 25 мингта янги иш ўрни пайдо бўлади. Камбағаллик ва ишсизликни қисқартириш, аҳоли даромадини ошириш учун келгуси беш йилда 238 мингдан зиёд доимий иш ўрни очилади.

Бу жозибадор рақамларни қоғозга муҳрлаётиб беихтиёр доно оқин Ибройим Юсуповнинг мана бу сатрлари эсимга тушди:

***Яхши сўз жон озиғидир, нақл бор,***
***Хушомадга ҳар ким ҳавас ўзинча.***
***Шундаям бир ўтинчим бор, одамлар:***
***Қорақалпоқни кўп мақтаманг кўзимча.***

Ҳақ гап. Қорақалпоқ халқи ортиқча мақтовни хушламайди. Аммо бугун ўлкада бажарилаётган беқиёс ишлардан ғурурланмаслик, уларни олқишламаслик ҳам мумкин эмас-да ахир!

Гарчи Орол денгизининг суви камайган бўлса-да, табиат бу бепоён замин бағридаги бошқа бойликларни халқимизга мўл-кўл қилиб ҳадя этмоқда. Ҳудудда топилаётган ва ишга туширилаётган табиий бойликлар, конлар бунинг тасдиғидир.

## 7

Қорақалпоғистон харитасига қарасангиз, икки улкан саҳро — Қорақум ва Қизилқум ўртасида жойлашган ўлканинг ён-атрофида Борсакелмас, Қумбаскан, Қўйқирилган, Қанликўл деган номлар билан аталган жойларга кўзингиз тушади. Бу номлар ўтмишдаги оғир фожиаларни эслатиб туради, дейди Бердақ бобо шеърларидан бирида.

Маҳзунликка қоришган ўтмиш энди тарихнинг сарғайган саҳифаларида қолди. Олдинда эса нурли, нурафшон йўллар...

Ана шу йўлларнинг бепоён қучоқларида мамлакатнинг ёрқин келажаги нурланиб ётибди. Кейинги беш йилда 13 триллион 300 миллиард сўмлик инвестиция ўзлаштирилгани, шунинг 2 миллиард 400 миллион доллари хорижий инвестиция экани бу юртнинг эртаси нақадар порлоқлигидан дарак беради. Бу йўллардан теваракка боқсангиз, афсонавий манзараларга гувоҳ бўласиз: бир ёнда Марказий Осиёда ягона бўлган Қўнғирот сода заводи, бир ёнда саноатимиз локомотивига айланган, қиймати 4 миллиард доллардан зиёд Устюрт газ-кимё мажмуаси, бир ёнда Гиннес китобидан жой олган, жаҳонда муқобили йўқ қорақалпоқ ўтови, бир ёнда...

Беихтиёр ўйга толасиз: олимлар 100 жилддан иборат “Қорақалпоқ фольклори”ни нашр қилди. 7-8 йилда эришилган ютуқлар китоб қилинса, юзлаб жилдларга сиғармикан?

Сўнгги йилларда илмий ва олий таълим муассасаларидаги фундаментал ва амалий тадқиқотлар, “Саҳродаги Лувр” деб донг таратган И.Савицкий номидаги Қорақалпоқ давлат санъат музейида қилинаётган ишлар... Булар қандай сиғар экан китоблар қучоғига?

Ёки ўлканинг Хоразм билан туташ ҳудуди — Беруний туманида Саудия Арабистонининг ACWA Power компанияси билан ҳамкорликда қурилаётган шамол электр станцияси. Қайси достонга сиғади унинг таърифи?

— Қорақалпоқ инсонлари меҳнаткаш, ери бой. Энди шамолларияم иқтисодиётга манфаат келтиради. Агар биз катта-катта корхоналар қурамиз, десак, ҳамкорларимиз, авваламбор, “Энергетиканг борми, йўлинг борми, инфратузилманг борми?” деб сўрайди. Бу ерда қуввати 100 мегаватт бўлган шамол электр станцияси барпо этилиши ҳудуд иқтисодиётига қўшимча куч, замин бўлади, — деди давлатимиз раҳбари. — Келгуси беш йилда бу ҳудудда қуввати қарийб 1800 мегаватт бўлган 3 та шамол станцияси ишга туширилади.

Шундай. Қорақалпоғистон барча жабҳада, бадиий ифода қилганда, арслон шиддати билан олға бораётир. Давлатимиз раҳбари зўр ифтихор билан таъкидлаганидек: “Қорақалпоғистон тақдири — бу Ўзбекистоннинг тақдири, қорақалпоқ халқининг бахти ва фаровонлиги — бу бутун Ўзбекистон халқининг бахти ва фаровонлигидир. Бизнинг олий ва эзгу мақсадимиз — биргаликдаги фидокорона меҳнатимиз билан янги Ўзбекистон таркибида янги Қорақалпоғистонни бунёд этишдир”. Президентимизнинг бу гаплари ҳаётий ҳақиқат эканини вақт деган одил ҳакам кўзгу мисоли кўрсатиб турибди.

Бугун агар Бердақ шоир ҳаёт бўлганида, бир пайтлардагидек:

***Шоир эдим, кўзим кўрганин ёздим,***
***Кўнглимнинг билганин, сезганин ёздим,***
***Замон жафосидан сарғайдим, оздим,***
***Келурми, деб яхши кунлар халқ учун, —***

дея қон-қон йиғламаган, аксинча, юртидаги эврилишлар қошида ҳайратга тўлиб, шоир иниси Ибройим Юсупов сингари:

***Меҳнат десанг енг шимарган полвондай,***
***Аравада тоғ келтир де, келтирар.***
***Дўстлик деса, юлдуз топиб олгандай,***
***Оқ кўкрагин эзгуликка тўлдирар! —***

деб ҳайқирган бўлар эди.

www.yuz.uz — yuz.uznews — yuz_official — yuz.uz_news — yuz




Таҳлил

# ЖАҲОН САВДО ТАШКИЛОТИГА АЪЗО БЎЛИШ



**Жаҳон иқтисодиётининг глобаллашуви шароитида барқарор ривожланишни таъминлашда халқаро савдо тизимига самарали интеграциялашув катта аҳамиятга эга. Шу нуқтаи назардан, Жаҳон савдо ташкилоти (ЖСТ)га аъзо бўлиш Ўзбекистон учун нафақат иқтисодий танлов, балки мамлакатнинг ташқи иқтисодий сиёсатидаги стратегик йўналишдир.**

## НАФАҚАТ ИҚТИСОДИЙ ТАНЛОВ, БАЛКИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ ТАШҚИ СИЁСАТДАГИ СТРАТЕГИК ЙЎНАЛИШИДИР

### Аҳамияти юқори тузилма

Энг ёш халқаро тузилмалардан бири бўлмиш Жаҳон савдо ташкилоти аъзолар ўртасидаги савдо муносабатларини тартибга солувчи ягона глобал институтдир. 1995 йилда, асосан, товарлар савдосини тартибга солиш мақсадида иш бошлаган тузилма ҳозирги пайтда хизматлар, интеллектуал мулк (яъни ғоялар ва ижодий фаолият маҳсулотлари) савдоси соҳаларида ҳам кенг қамровли фаолият юритмоқда. Шунингдек, ташкилот доирасида низоларни ҳал этиш, савдо жараёнларини мониторинг қилиш каби муҳим механизмлар ҳам амалга оширилади.

Бугунги кунда 166 дан ортиқ давлат ушбу ташкилотга аъзо. Улар ўртасида кенг қамровли савдо алоқалари йўлга қўйилган ва доимий равишда янги имкониятлар вужудга келмоқда. Жаҳон савдосининг тахминан 99 фоизи айнан ЖСТ аъзолари ҳиссасига тўғри келади.

Мутахассислар фикрича, ЖСТга аъзо бўлиш иқтисодиёт тармоқларида таркибий ислоҳотларни рағбатлантирувчи омил сифатида намоён бўлади. Глобал ва минтақавий иқтисодий интеграция барқарор ривожланиш ва иқтисодий ўсишга хизмат қилади. Шу билан бирга, аҳоли турмуш даражаси ва сифатини оширишга ҳам ижобий таъсир кўрсатади.

### Марказий Осиё давлатлари тажрибаси

Марказий Осиё минтақасида Қирғизистон, Тожикистон ва Қозоғистон Жаҳон савдо ташкилоти аъзосидир. Қирғизистон ташкилотга биринчи бўлиб қўшилган. Мамлакатнинг етакчи экспертлари таъкидлашича, ЖСТга аъзолик ишлаб чиқаришни ошириш, товар айирбошлаш ҳажмини кенгайтириш ҳамда товар ва хизматлар транзитини ривожлантириш учун қулай шароит яратган. Мамлакат ҳам импортчилар, ҳам инвесторлар учун янада жозибадор бозорга айланган. Натижада Қирғизистоннинг ЖСТ мамлакатларига экспорти 50,5 фоиздан 89,2 фоизга, импорти эса 41,3 фоиздан 95,6 фоизга ошган.

Тўртта асосий экспорт тармоғи — тўқимачилик, қишлоқ хўжалиги, қурилиш материаллари ва қайта ишлаш саноати шаклланди. Халқаро инвестиция муҳити анча яхшиланди. Қўшни давлатлар билан савдо муносабатлари кенгайди.

Аммо айрим муаммолар ҳам вужудга келди. Жумладан, ички бозорни хориж маҳсулотлари эгаллади, кўп ҳолларда маҳаллий кичик бизнесда банкротлик ҳолати кузатилди. Ички ишлаб чиқариш рақобатга тўлиқ тайёр эмас эди ва бу қишлоқ хўжалиги ҳамда озиқ-овқат саноатида, айниқса, сезилди. Шу билан бирга, қонунчилик базаси ва техник стандартлар тўлиқ ислоҳ қилинмади. Бу эса ЖСТ қоидаларидан тўлиқ фойда олишга тўсқинлик қилди.

Тожикистон 2013 йилда ЖСТнинг тўлақонли аъзоси бўлди. Давлатнинг ташкилотга қўшилиш жараёни 11 йил давом этди. Маълумотларга кўра, шундан кейин мамлакат экспорти ҳажми 2 баробар, экспорт қилинадиган товарлар рўйхати 1,8 баробар, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 2,1 баробар, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари эса 1,3 баробар ошган.

Бундан ташқари, аъзо бўлган даврда мамлакат экспорт, импорт ва транзит тартибларини соддалаштириш мақсадида "Ягона дарча" жорий этди. "Тожикистон савдо портали" яратилди ва савдо соҳасида қатор муҳим ислоҳотлар амалга оширилди.

Тожикистон глобал савдо ташаббусларида иштирок этиб, ўрта муддатли иқтисодий ўсиш 7 фоизга, бизнеснинг ўрта муддатли ўсиши эса 10 фоизга эришгани қайд этилган.

Шу билан бирга, экспорт салоҳияти чекланган асосий экспорт маҳсулоти бўлган алюминий нархларига боғлиқлик юқорилиги кузатилди. Инфратузилма заифлиги савдо салоҳиятини чеклади. Савдо эркинлашуви билан бир қаторда айрим ишлаб чиқарувчилар чет эл компанияларининг тўғридан тўғри рақобатига дош бера олмади.

Қозоғистоннинг ЖСТга аъзо бўлганига ўн йил бўлди. Ҳозирги кунга келиб мамлакат жаҳон савдо-иқтисодий тизимига чуқур интеграциялашган. Дунёнинг 185 давлати билан савдо қилади, товар айирбошлаш ҳажмининг 90 фоиздан ортиғи ЖСТга аъзо мамлакатларга тўғри келади.

Бу давлат балиқчиликни субсидиялаш, озиқ-овқат хавфсизлиги ва қишлоқ хўжалиги соҳасида сезиларли натижаларга эришди. Инвестицион муҳит яхшиланди, хорижий сармоя кириши ортиб борди. Божхона тизими ва техник регламентида аниқ қоидалар жорий этилди. Мамлакат ўз экспортчиларини халқаро низоларда ҳимоя қилиш имкониятига эга бўлди.

Лекин баъзи стратегик тармоқларда (энергетика, машинасозлик) рақобат ортиши ички ишлаб чиқаришга салбий таъсир қилди. Қўшма аъзолик (ЖСТ + Евроосиё иқтисодий иттифоқи) баъзи ҳолларда турли қоидалар ва меъёрлар ўртасида зиддиятларга олиб келди. ЖСТга мослашиш учун катта маблағ сарфланди. Бу кичик бизнес (корхоналар) учун оғирлик қилди.

Туркманистон Жаҳон савдо ташкилотига киришни режалаштирмоқда.

Қўшни мамлакатлар тажрибаси далолат берадики, ЖСТ аъзолиги иқтисодий ўсиш ва халқаро бозорга чиқиш имконини беради. Бироқ бу фақат пухта ислоҳотлар, стратегик режалаштириш, институционал мустаҳкамлик билан самарали кечади. Ўтиш даврини ҳисобга олмаган давлатлар импорт босимига учрайди, маҳаллий ишлаб чиқариш сўнса, ЖСТ фойда эмас, муаммо келтиради.

ЖСТ — имкониятлар эшиги. Аммо бу имкониятлардан унумли фойдаланиш учун ташкилотга аъзо бўлишга тайёргарлик даражаси ва амалга ошириладиган ислоҳотлар ўз вақтида ва ўта сифатли бўлиши жуда муҳим.



### Мўлжал — келгуси йил

Ўзбекистон барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш доирасида Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиш жараёнини тизимли равишда жадаллаштириб, ушбу жараённи 2026 йилда якунлашни режалаштирмоқда. Барча соҳаларда кенг кўламли ислоҳотлар кечаётган Ўзбекистон учун ЖСТга интеграция бўлиш барқарор ўсиш, инвестицион жозибадорликни ошириш ва институционал шаффофликни мустаҳкамлашда муҳим омилдир. Юртимизда бу борада Марказий Осиё ва бошқа давлатларнинг ижобий ва салбий тажрибалари ҳисобга олинган ҳолда, босқичма-босқич тизимли ишлар қилинмоқда. Хусусан, ташкилотга аъзо мамлакатлар билан бозорга кириш бўйича Ўзбекистон қатор масалаларга бағишланган икки ва кўп томонлама музокаралар жараёнида ташқи савдо режимини тариф ва нотариф чоралар орқали ўзгартириш ҳақида қарорлар қабул қилди.

Аъзолик жараёнини жадаллаштириш мақсадида миллий қонунчилик ташкилот талабларига уйғунлаштирилмоқда. Шу доирада 13 та қонун, Президентнинг 10 та фармон ва қарори, Вазирлар Маҳкамасининг 19 та ҳамда идоралараро 10 та норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинди. Божхона, экспорт-импорт ва интеллектуал мулк соҳаларидаги тартиботлар босқичма-босқич халқаро стандартларга мослаштирилмоқда.

Ўзбекистон ҳозиргача 33 та мамлакат билан икки томонлама музокараларни бошлаб, уларнинг 24 таси билан музокараларни якунлади. Бу эса мамлакатимизнинг глобал савдо тизимига интеграция бўйича қатъий иродасини намоён этади ва барқарор иқтисодий ривожланишни таъминлашга ва глобал савдо муҳитида Ўзбекистоннинг рақобатбардошлигини оширишга хизмат қилади.

### Барқарор тараққиёт йўлидаги ҳамкорлик

Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиш Ўзбекистон учун, аввало, дунёнинг катта ва рақобатбардош бозорига кенг йўл очади. Савдо шарт-шароитлари янада яхшиланади, мамлакатимиз орқали транзит қилинадиган юклар ҳажми ошиб, давлат бюджетига қўшимча тушумлар шаклланади.

Шу билан бирга, миллий ҳуқуқий ва институционал ислоҳотлар халқаро стандартларга мослаштирилиши ортидан инвестициявий жозибадорлик янада ортади. Натижада иқтисодиётнинг барқарор ўсишига, янги иш ўринлари яратилишига ва аҳоли учун муносиб меҳнат шароитлари бўлишига замин яратилади. Бу жараёнлар Ўзбекистоннинг барқарор ривожланишга доир миллий мақсадларига нафақат тўла мос келади, балки уларнинг амалга оширилишини жадаллаштиради.

Халқаро валюта жамғармасининг 2024 йил октябрь ойида эълон қилинган World Economic Outlook ҳисоботига кўра, дунёда аҳоли турмуш даражаси, технологик ривожланиш ва инновациялар соҳаларида етакчи йирик иқтисодиётлар — АҚШ, Хитой, Германия, Япония, Ҳиндистон, Франция, Италия ва Бразилия каби давлатлар ЖСТга аъзо саналади.

Таъкидлаш керакки, Ўзбекистон иқтисодий жиҳатдан муҳим қатор мамлакатлар — АҚШ, Хитой, Бразилия, Филиппин, Таиланд, Покистон, Аргентина ва Шри-Ланка билан ҳамкорлик битимларини имзолади.

Илгари Ўзбекистон маҳсулотлари асосан Марказий Осиё бозорларига йўналтирилган бўлса, энди мамлакат учун жаҳон бозорига кенг йўл очилмоқда.

### Аҳолининг турмуши янада яхшиланади

Сўнгги йилларда "Ўзбекистон — 2030" стратегияси ва БМТнинг Барқарор ривожланиш мақсадларига уйғун давлат сиёсати туфайли аҳоли фаровонлигини ошириш борасида сезиларли натижалар қўлга киритилди. Жумладан, 2017 йилдан буён Ўзбекистонда камбағаллик даражаси икки баробар камайди. 2030 йилгача ушбу кўрсаткични 7 фоизгача пасайтиришга қаратилган саъй-ҳаракатлар изчил давом эттирилмоқда.

Шу билан бирга, Жаҳон савдо ташкилотига тўлақонли аъзо бўлиш мақсадида барча соҳаларда, хусусан, савдо ва инвестиция йўналишларида миллий қонунчилик халқаро стандартларга мослаштириляпти. Бу жараён, аввало, савдо-иқтисодий фаолиятнинг ҳуқуқий базасини такомиллаштириб, уни янада шаффоф ва қулай қилади. Натижада Ўзбекистон бозорига янги инвесторлар ва маҳсулотлар кириб келишига шароит яратилади, рақобат муҳити кучайиб, бозорлар тўйинади ва нарх-наво барқарорлашади. Бу эса аҳоли турмуш даражаси янада ошишига ва камбағаллик қисқаришига мустаҳкам асос бўлади.

### "Янги Ўзбекистон — рақобатбардош маҳсулотлар юрти"

Ўзбекистон бозорига сифатли ва йирик хорижий компаниялар кириб келиши миллий иқтисодиётнинг айрим тармоқларига жиддий рақобат босимини келтириб чиқариши мумкин. Бу ҳолат, энг аввало, маҳаллий хусусий бизнес ва тадбиркорлик субъектларига салбий таъсир кўрсатиши эҳтимоли бор. Шу боис, халқаро савдога қўшилиш билан юзага келиши мумкин бўлган хатарларни камайтириш ва миллий компанияларнинг рақобатбардошлигини ошириш мақсадидаги ишлар кўлами кенгайди.

Жумладан, савдо сиёсатини такомиллаштириш, инфратузилмани ривожлантириш ҳамда кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлашга қаратилган чуқур ислоҳотлар кечяпти. Айни пайтда "Янги Ўзбекистон — рақобатбардош маҳсулотлар юрти" ғояси асосида миллий брендларни хориж бозорларига олиб чиқишга қаратилган комплекс чоралар кўрилмоқда. Экспорт таркибида тайёр ва ярим тайёр маҳсулотлар улушини 3,3 баробар ошириш, Европа мамлакатларига GSP+ ва бошқа имтиёзли тизимлар доирасида тайёр ҳамда технологик маҳсулотлар экспортини кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Бундан ташқари, дунёнинг 50 та нуфузли бренди иштирокида махсус иқтисодий зоналар ташкил этиш, ҳар бир туманда камида 1000 та иш ўрни яратадиган иккитадан саноат зонасини барпо этиш ва бизнес инкубаторлар тизимини ривожлантириш борасидаги саъй-ҳаракатлар авжида.

Маҳаллий саноат тармоқларига замонавий технологиялар жорий этилиб, қўллаб-қувватланяпти. Натижада ҳозирги кунда маҳаллаларда ўртача 40-50 та корхона фаолият юритмоқда ва барча туманларда маҳсулот экспорт қилувчи тадбиркорлар шаклланди.

Экспортчи корхоналарни қўллаб-қувватлаш мақсадида ташкилий ва молиявий ёрдам тизими такомиллаштирилмоқда. Хусусан, юқори қўшилган қийматга эга, экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқаришни рағбатлантириш учун 1 миллиард АҚШ доллари миқдорида маблағ ажратилди.

ЖСТга аъзо бўлиш бўйича музокаралар давомида рақобатбардошлик даражаси етарли бўлмаган ёки давлат корхоналари устун мавқега эга бўлган соҳалар учун 10 йилгача имтиёзлар тақдим этиш имконияти назарда тутилмоқда. Бу эса миллий иқтисодиётнинг аста-секин ва мувозанатли интеграциясига хизмат қилади.

Давлат иштирокидаги айрим корхоналарнинг махсус (эксклюзив) ҳуқуқлари бекор қилинди. Божхона йиғимлари фақат фискал мақсадларда ундирилмаслиги таъминланди. Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини мувофиқликка декларациялаш тартиби жорий этилди. Маиший электр жиҳозларига қўйиладиган энергия самарадорлиги талаблари халқаро стандартларга мувофиқлаштирилди.

Умуман олганда, Ўзбекистон ЖСТга аъзо бўлишга кенг қамровли ва пухта тайёргарлик кўрмоқда. Ишлар миллий қонунчилик базасини ислоҳ қилиш, экспортни қўллаб-қувватлаш ва маҳаллий ишлаб чиқарувчиларга ўтиш даврида ёрдам бериш, кичик ва ўрта бизнесни рағбатлантириш, ташқи иқтисодий фаолият соҳасида мутахассислар тайёрлаш ва уларни ўқитиш каби йўналишларни қамраб олган.

2023 йилда БМТ Бош Ассамблеясининг 78-сессияси доирасида Жаҳон савдо ташкилоти бош директори Ўзбекистоннинг ташкилотга аъзо бўлиш йўлидаги ислоҳотларини юқори баҳолаб, ушбу жараённи тўлиқ қўллаб-қувватлашини билдирганди.

2024 йилнинг май ойи охирида Ўзбекистоннинг ЖСТга аъзо бўлиши юзасидан ишчи гуруҳнинг саккизинчи йиғилишида мамлакатнинг ушбу ташкилотга қўшилиши учун зарур ислоҳотларни амалга ошириш борасидаги самарали фаолияти юқори баҳоланган.

Мақоламиз аввалида қайд этганимиздек, бугунги глобал иқтисодиёт шароитида мамлакатларнинг барқарор ривожланиши халқаро савдодаги фаол иштирок билан чамбарчас боғлиқ. Ўзбекистоннинг бу борадаги саъй-ҳаракатлари халқаро бозорлар билан чуқур интеграцияга киришиш, иқтисодий ўсишни рағбатлантириш ва барқарор ривожланишни таъминлашга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

**Абдураҳим МАМАЖОНОВ,**
**Барқарор ривожланиш маркази бўлим бошлиғи**

Камбағалликдан фаровонлик сари

# "АЁЛЛАР ДАФТАРИ" ИМТИЁЗ ЭМАС, ИМКОНИЯТ

**Қўштепа туманидаги "Баҳор" маҳалла фуқаролар йиғинида умргузаронлик қилаётган Кимёхоннинг боқувчиси йўқ. Турмуш ўртоғидан айрилганига 13 йил бўлди. Ёлғиз боши билан фарзандларини тарбиялайди, қарамоғида ногирон дилбанди ҳам бор.**

Иқтисодий жиҳатдан қийналиб қолгач, "маҳалла еттилиги" тавсияси билан "Аёллар дафтари"га киритилди. Натижада давлатимиз томонидан ижтимоий ҳимояга муҳтож аёлларга қандай имтиёз, кўмак берилаётган бўлса, у ҳам бу имкониятлардан баҳраманд бўлди.

У пешона тери, ҳалол меҳнати билан турмуш қийинчиликларидан асло чўчимади, меҳнатни ор билмади. Ўзига берилаётган имкониятлардан унумли фойдаланди. Бир неча йилдирки уйда ёстиқлар учун миллий қуроқлар тайёрлаш билан шуғулланган. Аммо фаолиятини кенгайтириш учун янги жиҳозлар сотиб олишда моддий қийинчиликка дуч келаётганди. Маҳалла фаолларининг тавсияси билан унга 30 миллион сўм имтиёзли кредит берилди. Бунинг ҳисобидан ҳунарманд 6 та тикув машинаси, керакли хомашёлар харид қилиб, хонадонида ёстиқ учун қуроқлар, либослар тикишни йўлга қўйди. Оилавий корхонада тайёрланаётган маҳсулотлар ички бозордан ташқари қўшни мамлакатларга ҳам сотиляпти. Натижада нафақат оиласи, балки маҳалладошларини ҳам иш билан таъминлашга эришди. Якка тартибдаги тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиб, "Аёллар дафтари"дан чиқди.




— Юртимизда қандай ишга қўл урмоқчи бўлсангиз, ҳаммаси учун имконият, шарт-шароит бор. Фақат ҳаракат қилиш, изланиш, имтиёз ва имкониятлардан тўғри фойдаланиш керак, — дейди Кимёхон Зокирова. — Мана шу эътибор туфайли меҳнатим самарасини кўриб келяпман. Оилавий ишлаб, кредитимизни тўлаяпмиз. Бу орада шу яқин атрофда яшовчи 10 аёл-қизни иш билан таъминладим. Касаначиликни йўлга қўйдик. Бу яна ўнлаб оилага қўшимча даромад олиб кириш имконини берди.

Хотин-қизлар бандлигини таъминлаш, фаровонлигини ошириш йўлидаги бу имкониятлар Кимёхонни янги мақсад ва режалар устида ишлашга ундади. Асосий мақсади — қишлоқ аёлларининг оғирини енгил қилиш. Бу бежиз эмас. Бўстон қишлоғи туман марказидан бирмунча олисда жойлашган. Бу ерда болалар боғчаси йўқ эди. Имкон топганлар фарзандини қўшни маҳаллалардаги мактабгача таълим ташкилотларига олиб борган, имкон топа олмаганлар уйда қолганди. Шуларни ҳисобга олиб, Кимёхон "Нурли қуёш" номли 50 ўринли нодавлат болалар таълим ташкилоти фаолиятини йўлга қўйиб, 5 та доимий иш ўрни очди.

Кимёхоннинг мақсадлари бир олам. Тадбиркорлик фаолиятини кенгайтириш асносида бошланғич таълим йўналишида олий маълумотли мутахассис бўлиш истагида ўқиб-изланмоқда. Яқин келажакда хусусий мактаб фаолиятини йўлга қўйишни режалаштираётганини ҳам яширмади.

"Ҳаққулобод" маҳалла фуқаролар йиғинида яшаётган Ёрқиной Йўлдошеванинг қўли қўлига тегмайди. Аёл ўтган йили "Аёллар дафтари"га киритилган эди. Ижтимоий муҳофазага муҳтож бошқа аёллар каби у ҳам зарур ёрдамни олиб, тикувчилик йўналишида тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйди. Дастлаб уй шароитида ётоқхона чойшаби, миллий либослар тайёрлашдан бошланган юмушлар тадбиркорлик фаолиятини кенгайтириш имкониятини берди.

> **Маҳалла ҳудудидаги бўш турган бинони ижарага олиб, 11 та тикув машинаси билан уй-рўзғор буюмлари, кўрпа-тўшак тайёрлашни йўлга қўйди. Бундан ташқари, ”Устоз-шогирд” анъаналари асосида маҳалладаги хотин-қизларга касб сирларини ўргатмоқда. Ёрқиной рўзғорини иқтисодий жиҳатдан тиклаб, "Аёллар дафтари"дан чиқишга муваффақ бўлган, давлатимизнинг ғамхўрлигини ўз ҳаёти, ишида ҳис этган шахс сифатида бошқаларга намуна бўлмоқда.**

— Битта оиланинг ҳаётидаги бундай ўзгариш, ташаббуслар ҳақида яна кўплаб мисол келтириш мумкин, — дейди Қўштепа тумани ҳокими ўринбосари — оила ва хотин-қизлар бўлими бошлиғи Марям Йўлдошева. — Жорий йилнинг биринчи чорагида "Аёллар дафтари"га киритилган 235 хотин-қизга асосий ва қўшимча ёрдам кўрсатиш мақсадида тижорат банклари томонидан 850 миллион сўм кредитлар ажратилди. Йил якунига қадар бундай тоифадаги 6620 хотин-қизнинг бандлигини таъминлаш, тадбиркорликка жалб қилиш, субсидия ажратиш, моддий ёрдам кўрсатиш, уй-жойини таъмирлаш, тиббий, ҳуқуқий, психологик кўмак бериш борасида тизимли ишлар қилиняпти. Хусусан, 1100 хотин-қизни касб-ҳунар ва тадбиркорликка ўқитиш, субсидия, банк кредити ажратиш ҳисобига 450 нафарини иқтисодиётнинг турли тармоқларида банд қилиш ва 3094 нафарини доимий ва мавсумий иш ўринларига жойлаштиришга кўмаклашилади. Тадбиркорлик истагидаги эҳтиёжманд хотин-қизларнинг 516 нафарига "Аёллар дафтари" жамғармаси ҳисобидан 774 миллион сўмлик бир марталик моддий ёрдам ажратиш борасида амалий ишлар қиляпмиз. Бундан ташқари, бу тоифадаги хотин-қизлар ёхуд уларнинг олий таълим муассасасида ўқиётган икки ва ундан ортиқ фарзандларидан бирович нинг тўлов-контракти суммаси бир марта тўлаб бериляпти, маданий-маърифий тадбирлар, спорт мусобақалари ўтказиляпти. "Мозийга саёҳат" дастури доирасида мамлакатимиз бўйлаб мароқли саёҳатлар ташкил этилмоқда.

Фақат бугина эмас. Шу кунга қадар Жаҳон банки иштирокида Япония ижтимоий ривожланиш фонди (JSDF) томонидан жорий йилда 7 та маҳалла фуқаролар йиғинидаги хотин-қизлар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаган 12 та лойиҳа учун 1 миллиард 265 миллион сўм грант маблағи ажратилиб, эҳтиёжманд оиладаги 64 хотин-қизнинг бандлиги таъминланди. Натижада чекка ва олис қишлоқларда ҳам қандолатчилик, тикувчилик, пайпоқ тўқиш, мебель, нон ва макарон маҳсулотлари ишлаб чиқариш йўналишларини қамраб олган янги лойиҳалар ишга туширилди.

Қисқаси, "Аёллар дафтари" имтиёз эмас, балки янги имконият ва ташаббусларга қанот бўлиб, оилаларга файзу барака, фаровонлик олиб кираётир.

**Расулжон КАМОЛОВ,**
**"Янги Ўзбекистон" мухбири**




# ХАЛҚАРО РЕЙТИНГДАГИ МАВҚЕ

## ОЛИЙГОҲЛАР УЧУН НИМАГА КЕРАК?

**Мамлакатимиздаги олийгоҳларнинг халқаро даражадаги имижини яхшилаш, уларга хорижий инвестициялар оқимини кўпайтириш, миллий университетларнинг инвестициявий жозибадорлигини кучайтириш, хорижлик талабалар ҳамда халқаро ҳамжамиятнинг йирик илмий доираларини жалб этиш бўйича саъй-ҳаракатлар юқори босқичга кўтарилмоқда.**

**Нилуфар ИМОМОВА,**
**Тошкент давлат шарқшунослик университети катта ўқитувчиси**

Халқаро рейтинглар олий таълим муассасасининг ўқитиш сифати юқорилигини кўрсатиш билан бирга, жаҳон миқёсидаги рақобатбардошлигини ҳам намоён қилади. Бу эса, ўз навбатида, хорижий инвесторлар, халқаро ҳамжамиятнинг мазкур олийгоҳларга қизиқиши ва ишончи ортишига сабаб бўлади.

Университетларнинг халқаро рейтингларда иштироки бўйича QS (Quacquarelli Symonds), THE (Times Higher Education) ва ARWU (Academic Ranking of World Universities) кабилар энг нуфузли рейтинг агентликларидир. Бу рейтинглардан ўрин эгаллаш учун университетлар қатор талабларга жавоб бериши лозим. Мазкур талабларнинг ҳар бири турли мезонлар билан ўлчанади ва турлича баҳоланади.

Халқаро рейтинглардаги энг муҳим кўрсаткичлардан бири университетнинг илмий тадқиқот фаолияти ва илмий мақолалари орқали халқаро ҳамжамиятда тан олинишидир. Масалан, ARWU рейтингида ОТМларнинг асосан илмий тадқиқотчилик салоҳияти баҳоланади. Бу жараёнда халқаро эътирофга сазовор илмий мақолалар сони, нашрлардан олинган иқтибослар ва профессорларнинг халқаро илмий мукофотларга сазовор бўлиши юқори ўринни таъминлайди.

QS халқаро рейтингида ташкилот ОТМларни фоиз асосида баҳолайди. Энг юқори фоиз илмий тадқиқотлар ҳиссасига тўғри келади. Тадқиқотлар эса академик эътироф ҳамда иқтибослилик даражаси билан ўлчанади. Академик эътироф аксарият ҳолларда нуфузли профессорлар, тадқиқотчилар ва илмий ташкилотлар ўртасида ўтказилган сўровномалар орқали баҳоланади. Глобал миқёсда эътирофга эришиш учун университетлар нуфузли халқаро илмий ҳамжамият билан ҳамкорлик қилиши ва қўшма тадқиқотлар олиб бориши, профессор-ўқитувчилари ва тадқиқотчиларининг илмий ютуқларини халқаро платформаларда фаол тарғиб қилиши, юқори даражадаги профессорлар ва тадқиқотчиларни жалб қилиши ва уларга шароит яратиши, шунингдек, ходимларнинг илмий салоҳиятини оширишга кўмаклашиши зарур.

Иқтибослилик кўрсаткичи эса университет профессор-ўқитувчилари ва тадқиқотчиларининг илмий мақолаларига қанчалик кўп мурожаат қилинаётганини аниқлаб беради. Рейтингдаги иқтибослилик даражаси юқори бўлиши ОТМнинг глобал илм-фанга қўшган ҳиссаси ва илмий мақолаларининг сифати ҳақида маълумот беради.

Университет битирувчиларининг меҳнат бозорида муваффақиятли фаолият юритиши ҳам халқаро рейтингларда юқори ўрин эгаллашнинг муҳим кўрсаткичларидан. Иш берувчилар томонидан битирувчиларнинг баҳоланиши ОТМ тайёрлаган кадрларнинг меҳнат бозорига кириш салмоғини кўрсатиб беради. Бунда асосий эътибор қаратиладиган жиҳатлар иш берувчилар эътирофи ҳамда бандлик натижаларидир.

Бандлик кўрсаткичи ҳам рейтингларнинг муҳим таркибий қисми. Битирувчилар меҳнат бозорида муваффақиятли ишга жойлашиши, қанчалик тез иш топиши ва даромадини ўз ичига олади. Университет битирувчиларни ишга жойлаштириш хизматларини ривожлантириши, ўқув дастурларини амалиётга йўналтириши, потенциал ҳамкорлар билан алоқани янада кучайтириши айни кўрсаткич бўйича яхши натижаларга эришиш кафолати бўлади.

Рейтинги аниқланаётганда университетнинг жаҳон миқёсидаги ўрни ҳам катта. Халқаро ҳамкорликни ривожлантириш, хорижлик талабаларни жалб қилиш ва профессорларнинг халқаро илмий доиралардаги иштирокини кенгайтириш университетлар учун ниҳоятда муҳим. Бу кўрсаткич учта мезондан — халқаро илмий ходимлар, халқаро тадқиқотлар ҳамда халқаро талабалар сони ва салмоғидан иборат.

Шу нуқтаи назардан халқаро илмий ходимлар ва хорижлик талабалар нисбати умумий ходимлар ва талабалар сонига мос бўлиши лозим. Халқаро тадқиқотлар тармоғи эса олий таълим муассасалари, илмий-тадқиқот марказлари ва олимларнинг халқаро миқёсда ҳамкорлик қилиши учун ташкил қилинган тармоқдир. Унинг муҳимлилиги шундаки, университетнинг илмий фаолияти кўрсаткичларини оширишга ёрдам беради.

Халқаро рейтинглардаги замонавий тенденцияларга кўра, барқарор ривожланиш, ижтимоий масъулият ва инновациялар университетларнинг рейтинги натижаларига сезиларли таъсир кўрсатмоқда. Университетлар энди нафақат анъанавий таълим ва илмий тадқиқотларга, балки уларнинг ижтимоий аҳамияти ва жаҳон миқёсидаги таъсирига ҳам катта эътибор қаратмоқда.

Мамлакатимизда олий таълим тизимидаги чуқур ислоҳотлар туфайли ОТМларнинг халқаро рейтинглардаги ўрни юқорилаб бормоқда. Хусусан, 2024 йилда QS World University Ranking: Asia йўналишида Ўзбекистон бўйича 14 ОТМ етакчи 1000 таликдан жой олган бўлса, ҳозир уларнинг сони 23 тага етди. Мазкур ҳолат ОТМларнинг халқаро рейтинглар мезони ва кўрсаткичларини чуқур ўрганиб, таҳлил қилгани ҳамда сифатли таълим, илмий тадқиқот ва халқаро ҳамкорлик бўйича яхши натижаларга эришаётганидан далолат беради.

Бугун рақамли трансформация ва масофавий таълим имконияти ҳам халқаро рейтинглардаги асосий йўналишлардан бирига айланмоқда. Университетлар рақамли технологияларни жорий этиш ва онлайн таълим дастурларини ривожлантириш орқали рақобатбардошлигини ошириши давр талабига айланиб улгурди. Дунёнинг рейтинги энг юқори университетларига назар ташласак, барчасида масофавий ва онлайн таълимга кенг йўл берилгани кўринади. Бу борада мамлакатимиз таълим тизимида ҳам кенг кўламли ишлар қилинаётир.

**УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ҲАМ ЎҚИШ УЧУН QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!**

Танлов

# ЮРТИМИЗДА ИЖОД ҚИЛАЁТГАН ХОНАНДА, КОМПОЗИТОР ВА БАСТАКОРЛАР ДИҚҚАТИГА!

**Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги ҳамда “Ўзбекконцерт” давлат муассасаси барчамиз учун энг улуғ ва энг азиз байрам — юртимиз мустақиллигининг ўттиз тўрт йиллиги муносабати билан қўшиқлар танловини эълон қилади.**

Танловда хонандалар, шоирлар ҳамда бастакорлар Ватан, истиқлол, тинчлик ва фаровонлик, она юртга муҳаббат ва садоқат, миллатлараро дўстлик ва ҳамжиҳатлик, ўзаро меҳр-оқибат каби юксак инсоний туйғулар тараннум этилган янги қўшиқлари билан иштирок этишлари мумкин.

Танловда қатнашиш истагида бўлган ижодкорлар ўз қўшиқларини “Ўзбекконцерт” давлат муассасасининг “Мустақиллик-2025” телеграм манзилига йўллашлари мумкин.

Ғолиб деб топилган хонандалар пул мукофоти ҳамда Мустақиллик байрами муносабати билан ўтказиладиган асосий тадбирга ўз асарлари билан тавсия этилади.

**1-ўрин учун (битта)**
**50 миллион сўм.**
**2-ўрин учун (битта)**
**40 миллион сўм.**
**3-ўрин учун (битта)**
**30 миллион сўм.**

Қадрли юртдошлар! Ватан туйғуси ижодкор учун чинакам илҳом манбаидир. Шундай экан, ушбу имкониятдан фойдаланиб, ўз иқтидорингизни намойиш қилишга шошилинг!

Ижодий ишлар жорий йилнинг 1 августгача қабул қилинади.

Танлов ғолиблари 2025 йил 15 август куни эълон қилинади.

**Мурожаат учун телефон: +998 71 234 24 28**




**Янги таҳрирдаги Конституциямиз муқаддимасида “давлатчилигимиз ривожининг уч минг йилдан зиёд тарихий тажрибаси, шунингдек, жаҳон цивилизациясига беқиёс ҳисса қўшган буюк аждодларимизнинг илмий, маданий ва маънавий мероси” алоҳида таъкидланади.**

# АРАБЛАРНИНГ МОВАРОУННАҲРНИ ЭГАЛЛАШИ

**Араб халифалигига 632 йилда Муҳаммад с.а.в. вафотидан кейин асос солинган. Пайғамбаримиздан кейин унинг ишларини давом эттирган ҳукмдор Абдуллоҳ ибн Абу Қуҳофа Усмон, яъни Абу Бакр Сиддиқ (632-634 йиллар) давлат бошлиғи бўлган ва халифа деб аталган. Шундан сўнг халифалар Умар ибн Хаттоб (634-644 йиллар), Усмон ибн Аффон (644-656 йиллар) ва Али ибн Абу Толиб (656-661 йиллар), бир муддат кечган сиёсий беқарорликдан кейин Муовия ибн Абу Суфён (661-680 йиллар) ҳокимиятга келган ва умавийлар сулоласига (661-750 йиллар) асос солган. Бу халифалар ислом дини мафкураси асосида давлатни бошқарган ва унинг ҳудудини кенгайтириб борган.**

Араб халифалиги VII асрнинг иккинчи ярмига келиб Арабистон ярим ороли, Кичик Осиё, Эрон ва Шимолий Африканинг катта ҳудудини эгаллаган. Араб манбаларида Туроннинг юраги ҳисобланган бугунги Ўзбекистон ва унга туташ ҳудудлар Мовароуннаҳр деб аталган.

**Арабларнинг Мовароуннаҳрга юриши**. Араблар 651 йилда сосонийларга қаттиқ зарба бериб, Марв шаҳрини жангсиз эгаллайди. Шундан сўнг халифалик ўз ҳудудини янада кенгайтириш мақсадида Амударёнинг ўнг қирғоғидаги ерларга қисқа талончилик юришлари қилади. Бу ҳужумлардан аввал араб қўмондони Аҳнаф ибн Қайс (602-691 йиллар) қўшинлари туркийлар таъсири кучли бўлган бугунги Афғонистон ҳудудидаги Тўхористонга ҳужум уюштирган, лекин енгилган. 654 йилда Суғд ҳудудидаги Моймурғга юриш қилган. 667-670 йилларда эса Ҳакам ибн Амр Ғифорий Амударёнинг ўнг қирғоғидаги Чағониён (бугунги Сурхондарё вилоятининг шимоли)ни эгаллаган.

Араблар босқини Хуросон ноиби Убайдуллоҳ ибн Зиёд (673 йилда ноиб лавозимида бўлган) даврида давом этган, уларнинг қўшини Бухорога ҳужум қилган. Бу даврда Бухорода Қабаж хотун ҳукмронлик қилган. Улар аввал Пойканд, Ромтин каби ерларни эгаллаган. Ҳужум пайтида турклар ёрдамга келган бўлса-да, бухороликлар мағлубиятга учраган. Бухоро маликаси катта маблағ тўлаш эвазига сулҳ тузишга мажбур бўлган. Асир тушган тўрт минг бухоролик Убайдуллоҳ хизматига кирган.

676 йилда Саид ибн Усмон (680 йилда вафот этган) даврида араблар Суғдга юриш



бошлаган. Саид Кеш, Насаф, Бухоро ва туркларнинг бирлашган қўшини устидан ғалабага эришган. Бухоро, Самарқанд, Термиз ва бошқа шаҳарларни қўлга киритган. Бироқ араблар ҳокимияти мустаҳкам эмасди, ўзларининг ичида ҳам қарама-қаршиликлар бор эди. Масалан, маҳаллий ҳукмдорлар ва араб қўмондони Мусо ибн Абдуллоҳ Ҳазимнинг бирлашган кучлари 689 йилда халифалик кучларини Термиздан қувиб чиқарган.

**Қутайба ибн Муслим истилоси**. 704 йилда Қутайба ибн Муслим (669-715 йиллар) Хуросон ноиби этиб тайинланади ва Мовароуннаҳрга юриш бошлайди. 709-712 йилларда Самарқанд, Бухоро ва Хоразмни босиб олиб, халифаликка бўйсундиради.

Қутайба ибн Муслим Турон ва Эрон ҳудудларини босиб олишда кўрсатган ишлари билан тарихда ном қолдирган. Қутайбанинг тўлиқ исми Абу Ҳафс Қутайба ибн Муслим ибн Амр ибн Ҳусайн Боҳилий бўлиб, у Муовия ибн Абу Суфён халифалик қилган замонда (661-680 йиллар) ҳижрий 49 (милодий 669) йилда Басрада туғилган. У арабларнинг боҳила қабиласидан эди. Унинг отаси умавийлардан бўлган халифа Язид ибн Муовияга (680-683 йиллар) яқин кишилардан бўлган.

Қутайба Қуръон илми, фиқҳ, жанг санъати ва бошқа соҳаларни ўрганган. Бу эса унинг тезда обрў қозонишига сабаб бўлган ва у халифа Абдулмалик ибн Марвон (685-705 йиллар) даврида Эроннинг Рай вилоятида ҳоким бўлган. Халифа Абдулмаликнинг ўғли Валид даврида (705-715 йиллар) эса Хуросонни бошқарган. Хуросон бу даврда халифанинг Ироқдаги ноиби Абу Муҳаммад Ҳажжож ибн Юсуфга (661-714 йиллар) бўйсунган. Қутайба ўша даврда Амударёнинг ўнг қирғоғидаги ерларни босиб олиш режасини туза бошлаган ва уни ҳаётга татбиқ этган.

Дастлаб у Амударёнинг ўнг қирғоғидаги вилоятлар ўртасидаги майда низолардан фойдаланган. Ундан Чағониён ҳокими Биш Ахарун ва Шумон (Ҳисор водийси ҳудудлари) ҳокими бир-бирига қарши курашда ёрдам сўраши ўз мақсадини амалга оширишда айни муддао бўлган. Қутайба Ахарун ва Шумон ҳукмдорига қарши урушда ғалаба қозонган, катта ўлжани қўлга киритган. Бу уруш фақат Қутайбага бойлик келтирган, холос, лекин арабларни сиёсий жиҳатдан кучайтирмаган. У Марвга қайтиб кетишга мажбур бўлган. Бу даврда Бадғис (Афғонистон шимоли) ҳокими Турк (бу исм Низак, Тирак тарзида ҳам учрайди) Қутайбага қарши исён кўтарган, сўнг шахсан Марвга келган ва Қутайба билан келишишга муваффақ бўлган. Шартга кўра, у араблар қўшинини аскарлар билан керакли вазиятларда таъминлаш мажбуриятини олган, араблар эса бунинг эвазига унинг ички сиёсатига аралашмаган.

706 йилда Қутайба Бухоро яқинидаги Байканд (Пойканд) шаҳрига ҳужум қилган. Ҳужум учун бекорга бу шаҳар танланмаган. Чунки шаҳар, биринчидан, жуда бой, иккинчидан, муайян даражада мустақил бўлгани учун Бухоро томонидан ҳарбий ёрдам тўлиқ кўрсатилмаслиги мумкин эди. Шундай бўлса-да, шаҳар аҳолиси араблар ҳужуми тўғрисида олдиндан хабар топиб, турклар ва суғдликлардан ёрдам сўраган. Турклар ва суғдликлар Қутайбанинг орқа томондан йўлини кесиб қўйган. Натижада Қутайба икки ой давомида Хуросон билан алоқа қила олмаган. Пойкандликлар Қутайбанинг ҳомийси Ҳажжож тахтдан туширилгани тўғрисида ёлғон хабар тарқатган. Қутайба буни жиддий қабул қилган ва чопарни ўлдиришни буюриб, ҳал қилувчи ҳужумга ўтган. Натижада у шаҳарни бўйсундирган ва бу ерда кичик қўшинни қолдириб, ўзи ҳокимиятни йўқотиб қўймаслик учун Хуросонга кетишга чоғланган. Пойкандликлар исён кўтарган ва Қутайба қолдириб кетган аскарларни ўлдириб, уларнинг бурунлари ва қулоқларини кесган. Қутайба бундан хабар топиб, ортга қайтган. У шаҳарни иккинчи марта бир ой қамал қилган, ҳар қандай музокара таклифларини рад этган. Шаҳар қўлга олинганидан кейин барча ҳимоячилар ўлдирилган ва аҳоли талон-тарож қилинган.

707 йил баҳорида Қутайба Бухоро воҳаси шаҳарларидан Бумижкатни ҳужумсиз эгаллаган. Ромтинни ҳам осонлик билан қўлга киритган. 708 йилда Қутайба Бухоро воҳасининг шимоли-шарқий чегараси — Вардонага етиб келган. Бу ер ҳокими вардонхудот ва араблар ўртасида икки кунлик шиддатли жанг бўлган. Икки томон кўп йўқотишларга учраган. 709 йилда эса Қутайба қўшини Бухоро томон юрган. Бухоро аҳолиси Пойкандникидан икки баробар кўп бўлган. Бу даврда Қутайбага Вардона томондан вардонхудот ҳужум қилган ва Қутайба икки томондан тузоққа тушиб қолмаслик учун дастлаб вардонхудотга қарши юришга мажбур бўлган. Вардоналикларга турклар ва суғдлар бирлашган қўшини ёрдам берган. Бу жангда араб қабилалари ўртасида



низолар келиб чиққан, шунга қарамай, Қутайба ғалаба қозонган.

Қутайба ҳар бир ўлдирилган бош учун 100 дирҳамдан улашишни ваъда берган. Бухоро йилига 200 ёки 220 минг дирҳам ўлпон тўлаш мажбурияти эвазига сулҳ имзолашга мажбур бўлган. Низак (Турк, Тирак) Тархон Қутайба Бухорони қўлга киритганидан кейин унинг ошиб бораётган таъсиридан хавотирга тушган ва Балхга қайтиб кетган. 709-710 йилларда Қутайба бошқа исёнчиларга қарши уруш бошлаган. Бир неча жангдан кейин Низак Тархон, унинг қариндошлари ва 700 жангчиси ўлдирилган. 712-713 йилларда Қутайба Самарқанд ва Хоразмни эгаллаган. Бу эса уни жуда машҳур қилиб юборган, араб шоирлари уни мадҳ этиб шеърлар ёзган. У 2 миллиондан ортиқ кишини қулга айлантирган.

Қутайба ислом динини тарғиб қилиш ва тарқатиш жараёнида Туроннинг исломдан олдинги меросига оид китоблар, умуман, маҳаллий маданиятга нисбатан аёвсиз курашган. Аҳоли исломни янаям яхшироқ тушуниши учун Қуръонни маҳаллий тилларда тафсир қилиш йўлга қўйилган. Яна ислом динини қабул қилганларга икки дирҳамдан беришни буюрган. 713 йилдан у Шош ва Фарғонага қарши уруш бошлаган. Унинг Исфижобгача юриш қилгани ҳақида қайдлар учрайди.

Қутайба Амударё ва Сирдарё ҳавзасидаги барча вилоятларни ўзига бўйсундирган ва бу ерда 13 йил ҳукмронлик қилган. Халифа Валид ибн Абдулмалик (705-715 йиллар) ўлганидан кейин янги халифа Сулаймон ибн Абдулмаликка (715-717 йиллар) қарши мухолиф кучга айланган. Сулаймон Қутайбани ёқтирмаган, чунки тахт учун курашларда Қутайба ўз ҳомийси Ҳажжож билан биргаликда уни эмас, балки аввалги халифа Валиднинг фарзандларини қўллаб-қувватлаган. Натижада Қутайба ўз қўли остидаги вилоятларни сақлаб қолишни истаган ва халифага очиқчасига қарши чиққан. Бироқ қўшинидаги кўплаб қабилалар қўмондонлари уни қўлламаган ва Вакиъ ибн Ҳассон Тамимий томонидан 715 йилда ўлдирилган. Унинг боши танасидан жудо этилган ва халифа Сулаймонга юборилган.

Қутайба ҳаёти давомида кўплаб ваҳшийликларни амалга оширган, ислом динини тарқатиш ниқоби остида ўз манфаати йўлида ҳаракат қилган. Унинг босқинчилик юришлари бугун тўғри баҳосини топиши керак.

**Тургашларнинг араблар билан тўқнашувлари**. 720 йилларда бир қатор сиёсий-ижтимоий воқеалар туфайли халифалар ҳокимияти заифлашган. Натижада Амударё ва Сирдарё ҳавзасига кириб келган турклар ёрдамида ҳудуд аҳолиси арабларни қувишга тушган ва исломдан яна аввалги динларга қайта бошлаган. 721 йилда қўмондон Кўл Чур (манбаларда Курсул) бошлиқ тургашлар қўшини Самарқанд яқинида Хуросон ноиби Саид ибн Абдулазиз етакчилигидаги халифа кучларига зарба берган. Саид ибн Абдулазиз нисбатан юмшоқфеъл шахс бўлган. Халифа унинг ўрнига тажрибали Саид ибн Амр Ҳарашийни (722-723 йиллар) тайинлаган. 722 йилнинг 15-25 июль кунлари Саид Фарғонага чекинаётган маҳаллий кучларга етиб олган ва улар устидан Хўжанд яқинида ғалабага эришган.

Шу йилнинг ёзида Саид исёнчиларга бошпана беришга ваъда қилган Суғд подшоси Диваштич (708-722 йиллар) ерларига ҳужум қилган. Саид бу ишларни рухсатсиз амалга оширгани сабабли халифа уни лавозимидан озод этган ва ўрнига Муслим ибн Саидни тайинлаган. 724 йилда Сирдарё бўйида бўлган жангда Муслим тургашлар хоқони Сулу ва бирлашган кучлардан (716-738 йиллар) мағлубиятга учраган ва аранг Самарқандгача етиб олган. Маҳаллий кучлар жасорати ва халифалик марказидаги сиёсий воқеалар сабабли Хуросондаги араб қабилалари ўртасида юз берган келишмовчилик ҳам жанг тақдирига муайян даражада таъсир қилган. 728 йилда Сулу Бухорони эгаллаган. Яна араблар 731 йили Тахтақорачадаги “Довон жанги”да ғалаба қозонган бўлса-да, бу ғалаба учун жуда кўп куч сарфлаган. Қўшиннинг деярли ярми жангда ҳалок бўлган.

Тургашларни Фарғона, Шош ва бошқа ҳудудлар қўшинлари ва ҳукмдорлари қўллаб-қувватлаган. Тургашлар асли ғарбий туркларнинг ўнўқ қабилавий иттифоқидан келиб чиққан.

737 йилда Сулу хоқон ўз тарафдорлари Ҳорис, Суғд ихшиди Ғурак (710-738 йиллар) ҳамда Уструшона, Тошкент, Хуттал қўшини билан биргаликда арабларга қарши якуний ҳужумга ўтган. Сулу Жузжоннинг умавийлар таъсиридаги ҳокими Асад билан жангда мағлубиятга учраган. Кейинги йили Сулу хитой таъсиридаги қўмондон томонидан ўлдирилган. 737-739 йилларда жуда кўп уруш бўлган ва аҳолининг тинкасини қуритган.

**Талас жанги**. 750 йилда Араб халифалигида аббосийлар сулоласининг ҳокимиятга келиши унга қарашли ҳудудларда беқарорликлар келтириб чиқарган. Бундан Хитойда ҳукмронлик қилган Тан сулоласи таъсиридаги кучлар фойдаланиб қолмоқчи бўлган. Тан сулоласи (618-907 йиллар)нинг Гао Сяньчжи исмли қўмондони Помирни эгаллаган, Оролбўйи, Каспийбўйи ва бошқа ҳудудларга ҳужумлар уюштирган. У араблар тасарруфида бўлган Мовароуннаҳрни қўлга киритиш учун ҳаракат қилган хитой кучларини бошқарган. Жангда қўшинлар сонига оид маълумотлар манбаларда ҳар хил кўрсатилган. Мусулмон манбалари мазкур жангда аббосийларнинг 200 минг, хитойликларнинг эса 100 мингли қўшини қатнашгани ҳақида маълумот берган. Хитой манбаларида эса жангда 10 минг хитойлик ва 20 минг қарлуқ ёлланма қўшини қатнашгани айтилган.

751 йилнинг июль ойида мусулмон қўшинлари Талас дарёси бўйида хитойликлар ва қарлуқларнинг бирлашган қўшинига қарши жанг бошлаган. Бу жангда Хуросон ноиби Абу Муслим (749-755 йиллар) қўмондонлари 25 минг хитойликни асир олган. Ибн Асир жангда 50 минг хитойлик ўлдирилгани ва 20 минг нафари асир олингани ҳақида маълумот берган. Жангда хитойликларнинг мағлубиятини уларнинг минтақадаги мавқеига жиддий путур етказган ва Мовароуннаҳрда араблар таъсирини кучайтирган.

Шу тариқа арабларнинг Мовароуннаҳрни эгаллаши ниҳоясига етган. Маҳаллий кучлар мардонавор курашган бўлса-да, улар орасида иттифоқ йўқлиги ва ягона кучли етакчига эга эмаслиги каби кўплаб сабаблар уларни араблар олдида ожиз қолдирган.

Шунингдек, ислом дини ҳам ўша замоннинг энг илғор ғояларини илгари сурувчи, инсонпарвар ва тижоратни қўллаб-қувватловчи жиҳатлари билан маҳаллий аҳолининг кўплаб вакиллари эътиборини жалб қилган. Натижада аҳоли маълум қисми бу динни қабул қилиб, араблар томонга ўтиши кузатилган. Кейинги даврларда ҳам арабларга қарши ҳаракатлар бўлган. Лекин улар кўп ҳолатларда исломга ва Араб халифалигига эмас, балки муайян ҳукмдорлар ва расмий доиралар, уларнинг юритган сиёсатига қарши ҳаракат сифатида келиб чиққан.

**Ҳусниддин МАМАДАЛИЕВ,**
**тарих фанлари номзоди**

Бугуннинг гапи







# СУНЪИЙ ИНТЕЛЛЕКТ

## АХБОРОТ ХАВФСИЗЛИГИГА ТАҲДИДМИ ЁКИ ТАРАҚҚИЁТ КАЛИТИ?



**Беруний АЛИМОВ,**
**“Янги медиа таълим маркази” ННТ директори,**
**филология фанлари доктори**

### Тарихий экскурс

Марказий Осиё газетачилиги 150 йил олдин айнан Ўзбекистонда, жаҳон телевидениеси тарихи ҳам бундан 100 йил аввал Тошкентда бошланганини медиа экспертлари яхши билади. Бугунги рақамли бурилиш даврида миллий журналистикамиз яна олдинда. Айниқса, сунъий интеллект технологияларидан самарали фойдаланиш борасида.

1956 йилда Дортмут конференциясида Жон Маккарти биринчи марта “сунъий интеллект” (СИ) атамасини муомалага киритди. Умидсизлик ортиши ва молиялаштириш ҳажми камайиши туфайли 1970-1980 йиллар “сунъий идрокнинг қиш даври” деб аталади. 2000-йилларда катта ҳажмдаги маълумотлар ва кучли компьютерлар ёрдамида техникавий ўрганиш соҳаси ривожлана бошлади. 2010-йилларда чуқур ўрганиш ва нейрон тармоқлар юксалди. 2020-йилларда эса трансформер архитектураси ва катта тил моделлари (LLM) каби илғор технологиялар пайдо бўлди.

Ҳозирга келиб, сунъий идрок орқали ҳаётнинг турли жабҳаси, хусусан, замонавий хизматларни жорий этиш, онлайн савдо-сотиқ амалиётларини йўлга қўйиш, масофали таълим курсларини ташкил қилиш ва ҳатто тиббиёт соҳасида ҳам тарихда мисли кўрилмаган натижаларга эришилмоқда.

Инсоният цивилизациясининг энг муҳим янгиликларидан бири деб эътироф этилаётган сунъий идрок воситасида интернет учун замонавий медиаконтент ишлаб чиқиш бўйича жадал қадам ташланяпти. Нафақат оддий хабар матнлари, балки чуқур таҳлилий ҳамда илмий мақолалар ҳам тайёрланмоқда. Сунъий идрокнинг генератив имкониятлари замонавий журналистикада ҳам кенг қўллана бошлади. Бу жараён нафақат интернет журналистика, балки радио ва телевидениеда, ҳатто босма матбуотда ҳам мунтазам кузатилмоқда.

### Матбуот ва янги технологиялар

XXI асрда ахборот узатиш воситалари мисли кўрилмаган тезлик ва шаклда ривожланмоқда. Асосийси, бугун сунъий идрок матбуотга ҳам кириб келди ва унинг саҳифаларида кенг намоён бўлмоқда. Айни пайтда у варақалар чиқармоқда, пресс-релизлар тайёрламоқда, ҳатто газеталар босмоқда. Италияда шундай газеталар аллақачон чиқди.

Газеталарнинг таҳлилий контентида жуда ҳам керак бўладиган турли графикалар ҳам ишланяпти. Айрим таҳририятлар газета макетини сунъий идрок ёрдамида шакллантирмоқда. Расм ва турли инфографикалар тайёрлаяпти. Бунга мисолларни миллий ОАВдан ҳам кўплаб келтириш мумкин. Масалан, 2024 йилда “Ўзбекистон матбуоти” журналида сунъий идрок билан илк интервью чоп этилди. “Янги Ўзбекистон” ва “Жадид” газеталари эса сунъий интеллект ёрдамида чизилган расмлар ва турли иллюстрациялардан унумли фойдаланмоқда.

“Янги Ўзбекистон” газетасининг расмий yuz.uz сайтида ҳам сунъий интеллект ёрдамида тезкор мақолалар, янгиликлар, лавҳалар ва блоглар тайёрланмоқда. Шунингдек, маълумотларни таҳлил қилиш, қайси мавзулар оммабоп эканини аниқлаб, аудитория қизиқишига мос ахборот тақдим қилинмоқда. Масалан, сарлавҳалар учун бир неча вариант бериб, сайт ўқувчилари эътиборини жалб этадиган форматлар яратилмоқда. AI SEO қоидаларига мос, калит сўзлар билан бойитилган матнларни тузиб, сайт траффигини оширишда муҳим роль ўйнаяпти. AI сурат ва иллюстрация генерацияловчи дастурлар ёрдамида сайт учун эксклюзив визуал контент тайёрланмоқда.

Эътиборли жиҳати ҳудудий газеталар ҳам сунъий идрок имкониятидан фойдаланяпти. Мисол учун, Тошкент вилоятида чоп этиладиган “Машъал” газетаси 2025 йилда унинг ёрдамида алоҳида суҳбат ёзиб олди ва ўқувчилар эътиборига ҳавола этди. Шунингдек, сунъий идрок воситасида чизилган расмлар газета саҳифаларида мунтазам берила бошлади.

### Радиода инновацион ечимлар

Аудиожурналистика (радио)да сунъий идрок технологиялари ёрдамида овоз ишлаб чиқиш, монтаж, янгиликлар яратиш каби кўплаб жараён автоматлаштирилмоқда. Бунинг энг ёрқин кўринишлари овоз синтези, овоз таниб олиш, овозларнинг турфалиги, уларни исталганча такомиллаштириш, ҳатто умуман сохта овоз билан эфирга чиқиш технологияларидир.

Овозни хоҳлаган таниқли одамнинг тембри (овознинг жарангдорлиги, оҳанги)га мослаштириш мумкин. Тембрдан ташқари овознинг тезлиги ва баланд-пастлигини ҳам ўзгартирса бўлади. Миллий аудиовизуал журналистикада бу борада яхши натижалар қўлга киритилди. Машҳур актёр ва сухандон, дубляж санъати устаси, Ўзбекистон халқ артисти Афзал Рафиқовнинг афсонавий овози сўнгги технологиялар асосида қайта тикланди. Сунъий идрок ечимларини ишлаб чиқишга ихтисослашган маҳаллий AIM Lab компанияси Афзал Рафиқовга жарроҳлик амалиётидан сўнг шикастланган овозини тиклашнинг инновацион усулини таклиф қилди. Натижа эса кутилганидан ҳам аъло бўлди.

Замонавий радиода овозли моделлар технологияси инсон овозига жуда ўхшаш сунъий овоз ишлаб чиқишга имкон беради. Масалан, ElevenLabs, Descript Overdub, Google Text-to-Speech хизматлари орқали исталган машҳур инсоннинг овози нусхасини яратиш мумкин. Шунингдек, GPT-4 каби тил моделлари ёрдамида янгиликлар, эшиттириш сценарийлари, суҳбатлар матни автоматик ёзилади. Adobe Podcast, Auphonic, Cleanvoice.ai кабилар эса овоздаги шовқинни автоматик тозалаш, паузаларни йўқотиш, оҳангни текислаш каби аудиомонтаж ишларини бажаради.

Миллий ва хорижий тажриба ҳақида гап кетганда, бир фактга эътибор қаратиш ўринли: BBC радиоси AI-generated voices орқали 2023 йилда бир нечта тажриба подкасти тайёрлаб эфирга узатди. NPR (National Public Radio, АҚШ) сунъий интеллект ёрдамида янгиликлар таҳрирловчи, виртуал диктор ва интеллектуал монтажчини ишлаб чиқиб, синовдан ўтказди.

### Телевидение замонавийлик сари

Хусусиятига кўра, телевидение нафақат ахборот узатади, балки эстетик, ижтимоий ва маданий функцияларни ҳам бажаради. Ушбу жараёнда сунъий интеллект кўплаб ишларни автоматлаштириб, контент яратишда ҳам янги босқични бошлаб берди.

Дунё тажрибасига эътибор қаратсак, ТВда сунъий интеллектдан фойдаланиш масаласида бугун Япония ва Хитой етакчилик қилаётганини кўрамиз. Масалан, кунчиқар мамлакат биринчилар қаторида кўрсатув олиб борувчи роботларни яратди.

Телевидение тизимида сунъий идрок орқали кўрсатув олиб борувчилар, робот ёки анимацион персонажлар орқали янгиликлар ўқиш амалиёти кенг тарқалган. Шунингдек, сунъий идрок ёрдамида видеомонтаж ва кўрсатувни эфирга тайёрлаш, видеоматериалларни автоматик таҳлил қилиш ҳамда керакли саҳналарни танлаб олиш, томошабинлар хулқини таҳлил этиш, томоша статистикаларини ўрганиб, тавсиялар бериш, матнни реал вақт режимида таржима қилиш ҳам мумкин.

Япония сунъий идрок соҳасида энг илғор давлатлардан бири. 2018 йилда Tokyo Broadcasting System — TBS телеканалида сунъий интеллект асосида ишлайдиган Эриса номли сунъий бошловчи илк бор эфирга чиқди. Эриса инсон мулоқотини имитация қилиш, юз ифодаларини кўрсатиш ва янгиликларни табиий оҳангда ўқиш имкониятига эга эди. NHK телеканали эса сунъий идрокдан тарихий видеоларни рангли форматга ўтказиш, нутқни таҳлил қилиш ва телероликлар яратишда фойдаланмоқда.

Хитойда сунъий интеллект соҳасига катта маблағ сарфланмоқда. 2019 йилда Хитойнинг Xinhua агентлиги “AI News Anchor” номли виртуал бошловчи яратди. Бу бошловчи 24 соат давомида янгиликларни ўқиб, юз ифодаси ва овоз оҳанги билан табиий бошловчи образига кира олди.



Ўзбекистон телевидениеси ҳам ушбу йўналишда жаҳон тажрибасини ўрганиб, салоҳиятини тобора ошириб бормоқда. Масалан, Uzreport TV ва “Ўзбекистон 24” телеканаллари хорижий видеоларга субтитр ёзишда автоматик воситалардан фойдаланмоқда. Шунингдек, бу телеканалларда ахборот таҳлили ва янгиликларни фильтрлаш амалиёти бажарилмоқда.

“Матнни — овозга” (Text-to-speech) технологияси ёрдамида баъзи янгиликлар блоки ёки ҳужжатли фильмларнинг сунъий овоз ёрдамида тайёрланишига эътибор қаратилади. Масалан, “Ўзбекистон 24” телеканалида баъзи ижтимоий-ҳуқуқий роликлар, кўрсатувлар сунъий интеллект ёрдамида тайёрланган аудиофон орқали эфирга узатиляпти.

Визуал контент яратишда ҳам сунъий идрок қўл келмоқда. График дизайн, анимация ёки интерактив кўрсатмалар учун сунъий идрок воситалари (масалан, Adobe Firefly ёки RunwayML) ишлатилмоқда. Жумладан, “Milliy TV” ва “MY5” телеканалларида тайёрланган айрим визуал эффектлар сунъий идрок ёрдамида автоматлаштирилган.

### Интернет нашрларидаги технологик ютуқлар

Интернет нашрлари замонавий медиа политрасининг ажралмас қисмига айланган. Сунъий интеллект эса интернет тармоғи юксалишида энг асосий технологик кучлардан бири бўлиб хизмат қилмоқда. Сунъий идрок ёрдамида интернет контентлари автоматик таҳлил қилинади, фильтрлаб чиқилади, фойдаланувчи истакларига мослаштирилади.

2024 йил бу борада Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги — ЎзА пешқадамлик қилганини медиа экспертлари алоҳида эътироф этган эди. Сунъий интеллект ёрдамида яратилган робот-мухбир — Собира Холдорова (у шундай номланди) Ўзбекистон янгиликларини ўзбек, инглиз, рус, француз, араб, хитой, немис, испан ва қозоқ тилларида ўқиб бера бошлади.

Kun.uz интернет нашри ҳам сунъий идрок имкониятларидан самарали фойдаланмоқда. Масалан, йирик ҳажмли матнни ихчам шаклга келтириш ва бу жараёнда олиб чиқилаётган мавзунинг энг муҳим ва қизиқарли жойларига эътибор қаратиш амалиёти бажарилмоқда. Шунингдек, катта хронометражли видеоматериалларни сўзма-сўз матнлаштириш борасида ҳам ижобий натижаларга эришилган.

### Муаллифлик ҳуқуқи, фактчекинг ва этика масалалари

Журналистикада сунъий идрокни қўллаш бўйича этика кодекси биринчи бўлиб Грецияда қабул қилинди. Мазкур кодекснинг асосий принципи шаффофликдир. Журналист сунъий интеллектдан фойдаланса, унга тегишли белги қўйилиши керак. Панелленик Журналистлар уюшмалари федерацияси — POESY томонидан тақдим этилган “Сунъий интеллект бўйича янги амалиёт кодекси” оммавий ахборот воситалари фаолиятида сунъий интеллектдан фойдаланиш асослари ва қоидаларини белгилайди.

Кўплаб хорижий ОАВда плагиатга қарши қатъий сиёсат юритилади. Масалан, The New York Times ва The Guardian каби нашрлар ҳар бир мақола манбаларини жиддий текшириш тизимига эга. Ғарб университетлари ва медиасида Turnitin, Copyscape, PlagScan каби дастурлар орқали матнлар автоматик текширилади. Журналист плагиатда айбланса, ишдан бўшатилади ёки “қора рўйхат”га киритилади.

Ўзбекистон журналистикаси ҳам бу муаммодан холи эмас. Бизда манбаларни тўлиқ кўрсатмаслик, интернетдаги мақолаларни шунчаки кўчириб ўзлаштириш, ОАВлар ўртасида мақолаларни бир-бирининг рухсатсиз кўчириш ва қайта босиш каби муаммолар кузатилади.

Ваҳоланки, журналистикада плагиат нафақат ҳуқуқий, балки ахлоқий муаммо ҳамдир. У журналистиканинг асосий қадриятлари — ишончлилик, ҳалоллик ва мустақиллик тамойилларига зид. Шунинг учун журналистлар, таҳририятлар ва ОАВлар бу муаммони жиддий қабул қилиши ва унга қарши чора-тадбирларни кучайтириши лозим.

Сунъий идрок ёрдамида тайёрланган материаллар кўпинча интернетда олдиндан мавжуд бўлган контентдан бевосита фойдаланган (кўчирилган) ҳолда яратилади. Бу эса баъзан журналистнинг матнни ҳеч қандай таҳрирсиз ва текширувсиз борича кўчириб олиб, ўз мақоласи сифатида тақдим этишига олиб келмоқда. Натижада муаллифлик ҳуқуқи жиддий тарзда бузилмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг “Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида”ги қонунига кўра, ҳар қандай асар муаллифнинг розилигисиз бевосита ёки билвосита, тўлиқ ёки қисман кўчирилмаслиги лозим.

Сунъий идрок воситалари орқали яратилган контентда, айниқса, очиқ манбалар асосида яратилган матнларда муаллиф аниқлиги йўқолиб кетади. Мисол учун, 2023 йилда New York Times нашриёти OpenAI тизимини судга берди. Сабаби компания унинг мақолаларидан розиликсиз фойдаланиб, сунъий интеллектни ўқитган. Бу ҳолат халқаро журналистик муҳитда муаллифлик ҳуқуқларининг сунъий идрок воситалари ёрдамида бузилиши масаласини яна бир бор долзарб қилиб қўйди.

Яна бир жиддий ҳолат “halusination” деб аталади. Бунда сунъий идрок мавжуд бўлмаган фактларни ўзи тўқиб чиқаради. Масалан, BBC 2024 йил аввалида сунъий идрок томонидан яратилган мақолада “манба” сифатида келтирилган ҳаволалар текширилганда, улар аслида мавжуд эмаслиги аниқланган.

Юқоридаги каби салбий ҳолатларнинг олдини олиш учун ўзбек тилида ишловчи AI ва NLP воситаларини яратиш ва оммалаштириш, журналистлар учун фактчекинг ва AI бўйича махсус тренинглар ташкил қилиш, маҳаллий ва халқаро ҳамкорликда медиамониторинг платформаларини яратиш, ҳукумат, ОАВ ва технологик институтлар ўртасида янгича кўприклар ўрнатиш лозим.

Сунъий идрок ёрдамида яратилган контентни ахборот сифатида тарқатиш журналистнинг ахлоқий позициясига бевосита таъсир қилади. Айниқса, ёлғон хабарлар, нотўғри фактлар ёки бошқа муаллифларнинг фикрини ўзиники қилиб кўрсатиш фақат журналистик этикани эмас, балки жамиятдаги ишончни ҳам емиради.

Ўзбекистон журналистларининг этика кодексида белгиланишича, журналист ахборотни ҳаққоний, тўлиқ ва холис тарзда ёритиши керак. Бу қоида сунъий идрок воситаларидан фойдаланганда ҳам ўзгармайди.

### Шахсий маълумотларни асрашда синчковлик зарур

Катта ва ўрта ёшли журналистлар жуда яхши эслайди: бундан қарийб 20-25 йил олдин интернет энди пайдо бўлган даврда ҳам “бу ўзи оқми ёки корами?”, “фойдалими ёки зарарли?” каби саволлар кўпчиликни ўйлантирган эди. Лекин орадан кўп вақт ўтмай, бу каби саволлар ўз-ўзидан йўқолди. Аниқроғи, жавоби топилди. Демак, интернет яхшилик учун ишлатилса, албатта, яхшилик олиб келади. Ундан ёмонлик йўлида фойдаланилса, сўзсиз, акси бўлади деган хулосага келинди.

Аслида, сунъий ақл ҳам худди шундай. Яъни ижобий мақсадда ишлатилса, жуда кўп одамга бир пайтнинг ўзида яхшилик олиб келади. Ғаразли мақсадда қўлланса, жуда катта зарар келтириши турган гап.

Бу қараш ҳозирги ахборот хавфсизлигига бевосита боғлиқ. Чунки сунъий ақл воситасида тайёрланган катта ёки кичик ёлғон хабар одамларга нафақат иқтисодий, молиявий, балки руҳий ҳамда саломатлик борасида ҳам жиддий талафот етказиши мумкин.

Яна бир муҳим жиҳат шундаки, ҳозиргидек тарихий бурилишлар жараёнида сунъий идрок турли ёлғон ахборот ва фейклар кўпайишидан ташқари жамият аъзоларининг ҳақоратланиши, шахсий дахлсизлиги бузилиши каби муаммоларни ҳам каррасига ошириб юбориши мумкин.

Шу ўринда Ўзбекистонда оддий ўқувчилар ҳақ-ҳуқуқлари ҳимояси борасида кўрилаётган янги реалликка мос чора-тадбирлар, қонунчиликнинг такомиллашуви айни муддаодир.

Истаймизми-йўқми, оддий қидирув шартлари, топшириқлар ва турли промпт (керакли расм ёки матнни олиш учун нейрон тармоққа сўров)лар сунъий идрок хотирасига мустаҳкам жойлашиб қолади. Натижада у кундалик турмушимиздан фаолиятимизгача батафсил тасаввурга эга бўлади.

Демак, бу жараёнда шахсий маълумотлар ҳимоясига янада жиддий эътибор беришимиз керак. Бундан ташқари, биз фойдаланаётган сунъий идрок дастури ташқи бузғунчи кучлар, хакерлар хуружига учраса, рақамли қадам изларимиз (digital footprint) ва геолокацияларимизгача ошкор бўлиши эҳтимоли катта. Бу эса нафақат рақамли, балки жисмоний хавф-хатарни бир неча бор оширади. Шу боис, сунъий идрокдан фойдаланиш жараёнида мазкур жиҳатни ҳам инобатга олиш зарур.

### Соҳанинг келажаги: устувор вазифалар

Сунъий интеллект билан боғлиқ технологик прогнозлар замонавий илм-фан ва саноатнинг энг долзарб йўналишларидан биридир. Ҳар йили юзлаб илмий тадқиқотлар, таҳлилий ҳисоботлар ва технологик ривожланиш сценарийлари ушбу мавзуда эълон қилинади. Уларнинг барчаси инсоният келажагида сунъий интеллект қандай ўрин тутиши мумкинлигини аниқлашга хизмат қилади.

Энг асосий фаразлар сунъий идрок тизимларининг салоҳияти, ўрганиш тезлиги, мустақил қарор қабул қилиш лаёқати ва инсон билан мулоқот даражаси борасида бўлиб, бу прогнозлар кўп ҳолларда ҳайратланарли сценарийларни илгари суради.

Сунъий интеллект технологияларининг яқин келажакдаги ривожи, биринчи навбатда, генератив тизимлар, яъни ўзи мустақил тарзда матн, расм, мусиқий композиция ёки ҳатто илмий ғоялар яратишга қодир бўлган моделлар билан боғлиқ. Бу каби тизимлар аллақачон GPT, DALL•E, Midjourney каби шаклларда оммага намоён бўлган ва уларнинг имконияти йилдан йилга кенгаймоқда.

Сунъий идрок ҳаддан ташқари кучга эга бўлиб, уни назорат қилиш механизмлари сусайиб кетса, инсониятга хавф туғдириши мумкин. Шу сабабли илғор тадқиқот марказлари ва олимлар сунъий интеллект хавфсизлиги, ахлоқий ва ҳуқуқий чегараларини аниқлаш устида ҳам жиддий ишламоқда.

Демак, сунъий интеллект соҳасидаги прогнозлар фақат технология ҳақида эмас, балки инсониятнинг келажаги, ҳаёт мазмуни ва ижтимоий қадриятлари ҳақида чуқур ўйлашга ундовчи масалалардир.

Техник ишлар эса бутунлай сунъий идрок зиммасига юкланади. Виртуал бошловчилар, реалистик AI авлодлар, синтез қилинган овозли репортажлар, персоналлаштирилган янгиликлар тасмаси — буларнинг барчаси истиқболдаги журналистикада реал воқеликка айланиши мумкин.

Бироқ технология қай даражада ривожланмасин, журналистиканинг объективлик, ҳаққонийлик, аниқлик, мувозанатлилик каби фундаментал тамойиллари бузилмаслиги лозим. Сунъий идрок ёрдамида яратилган контентда ҳам бу қоидалар устувор бўлиши зарур.

Шунинг учун фойдаланишда журналистлар сунъий идрок воситаларининг имкониятини тўғри баҳолаши, ахборот хавфсизлиги, муаллифлик ҳуқуқлари ва ахлоқий меъёрларни эътибордан четда қолдирмаслиги шарт.

ГАЗЕТАДАГИ МАТЕРИАЛЛАРНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-KODНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари таҳририяти” ДМ

МУАССИС:
**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси**

Бош муҳаррир:
**Салим ДОНИЁРОВ**

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “ШАРҚ” НМАК масъул.

Босмахона телефони: (71) 233-11-07.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
**Нашр индекси** — 236. **Буюртма** Г-646.
36191 нусхада босилди.
**Ҳажми** — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. **Қоғоз бичими** А2.
Баҳоси келишилган нархда.

“ШАРҚ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир: Авазбек Худойқулов
Мусаҳҳиҳ: Шерзод Маҳмудов
Дизайнер: Зафар Рўзиев

Манзилимиз:
100060, Тошкент шаҳри,
Шаҳрисабз кўчаси, 85-уй

ЎзА якуни — 20:50 Топширилди — 23:35

Қабулхона: (71) 233-56-33 Девонхона ва эълонлар: (71) 233-70-98 E-mail: info@yuz.uz Веб-сайт: www.yuz.uz: (71) 233-47-05